ҚИШЛОК ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 ЙИЛ 8 ИЮЛЬ. СЕШАНБА №54 (5.825). Сотувда эркин нархда

ИЮЛЬ — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой

Оқолтин туманидаги «Сардоба» деҳқон-фермерлар уюшмалари бирлашмаси экинзорлари ҳам табиий офатдан жиддий зарар кўрди. Каттагина майдонларга чигит қайта экилди. Ҳозирги кунда миришкорлар зўр омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб шунча майдондаги ғўзаларни баравжлари қаторига етказиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.



ДЕҲҚОН МАТОНАТИ

... Уша кун ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайди. Чинбарг чиқарган ниҳоллар деҳқон меҳрига қониб, барқ уриб усаётганди. Кутилмаганда кўк юзини қора булут қоплади. Кучли шамол туриб катта талофот етказди. Бу ҳам етмагандек кучли сел, дўл барчани эсанкиратиб қўйди. Қарийб 2 минг гектар пахта майдонининг каттагина қисмидаги ниҳоллари батамом чилпарчин бўлди. Катта хўжалик раҳбари Зарем Урусбиев марказий шийпонга мутахассислар, уюшмаларнинг раҳбарлари, оқсоқолларни йиғди.

— Азизлар, — деди у босиқ овозда. — Ҳаммамиз чўлда чиниққан иродали, ҳар қандай мушкулотни ҳамжиҳатлик, сабру қаноат билан енгишга ўрганган кишилармиз. Тўғри, экинзорларимиз катта талофот кўрди. Яширмайман, ўзим ҳам табиий офат бунчалик зиён-заҳмат етказганини эсломайман. Катта майдонларда чигит қайта экилиши керак. Ҳар дам ғанимат. Барчангизни фидоркорона меҳнат қилишга чақираман.

Эрта тонгдан ерлар экишга қайта тайёрланди,. Барча қишлоқлардан ёрдам кучи келди. Ёшу қари кечаю кундуз тиним билмади. Зарем ака елиб-югуриб барча уюшмаларни сара уруғ билан таъминлади. Уч кун деганда белгиланган майдонга қайта барака уруғи қадаб бўлинди. Деҳқон бахтига асосий майдонларда чигит бир текис униб чиқди. Энди ҳамма умид механизаторлардан эди. Улар қатор ораларига сифатли ишлов бериб, ғўзаларни кунда бир яшнатдилар. Ташвишли ҳол бартараф этилди.

Эркин Битўраев бошлиқ уюшма далалари. 200 гектар ердаги экин бир текис ривожланмоқда. Тракторни моҳирлик билан бошқараётган механизатор Шавкат Тожибоев эътиборимизни тортди.

— Деҳқонларимиз табиий офатга қарши мардона курашдилар, — фикрини ифодалайди у ғўзаларга меҳр билан тикилиб. — Очиғи, ғўзалар ривожини кўриб қайта экилган карталар эканлигига ҳамма ҳам ишонмаслиги мумкин. Бироқ деҳқон садоқати, фидойилиги кўп нарсага қодир. Насиб қилса, бу йил гектаридан қарийб 30 центнердан хирмон кўтарамиз деб турибмиз. Бизга етарли миқдорда ўғит, техника ажратилганлиги, маиший шароит яхшилиги мақсадга эришишда муҳим омил бўлаяпти.

Зарем ака тажрибали сувчи Мирза Аҳмадалиев ҳақида ҳам илиқ гапларни айтди. Унинг ташаббуси билан суғориш ишлари тунда, шарбат усулида олиб бориляпти. Илғорлар тажрибаси, фан ютуқлари амалиётга жорий этилганлиги туфайли ҳосил тугунчалари купайиб бормоқда.

Қ. НИЁЗОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА : 1. Бригада бошлиғи Эркин Битўраев (чапдан), хўжалик раҳбари Зарем Урусбиев ва сувчи Мирза Аҳмадалиев далада. 2. Қайта чигит экилган майдонлардаги ғўзаларни шу ҳолга келтиргунча заршунослар озмунча заҳмат чекишмади.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

«ОЙДИН»НИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

«Ойдин» деҳқон (фермер) хўжалиги жамоасининг 1996 йилги иш натижалари билан танишамиз. Унинг ихтиёрига 40 гектар майдон ажратиб берилган. Шундан ўтган йили 10 гектарида пахта етиштирилди. Гектаридан 32 центнердан қимматбаҳо хом ашё олинди. 23 гектар майдонда ғалланинг «Санзор—4», «Санзор—8» навлари ўстирилиб, гектаридан 35 центнердан сара дон йиғиштирилди. Хирмонга тушган 78 тонна доннинг 47 тоннаси давлатга топширилди. Шунингдек, 5 гектар майдонда беда парваришланди ва 55 тонна озуқа тайёрланди. Ғарамланган беда пичани Рўзмат Ғойибов номли жамоа-ширкат хўжалигига шартнома асосида етказиб берилди.

Бултур фермер хўжалиги ғалла, пахта ва бедачилик соҳаларидан 648 минг сўм даромад олишга муваффақ бўлди. Шундан 300 минг сўми соф фойда.

Жамоада 10 киши меҳнат қилади. Уларнинг ойлик иш ҳақи 4,5—5 минг сўмга тўғри келаяпти. Хўжалик бугунги кунда узининг етарли маблаги ва техника воситаларига эга. Деҳқон хўжалиги аъзолари амалдаги йилда 25 гектар майдонда галла етиштиришди. Буғдойнинг 36 тоннасини давлатга сотиш режалаштирилган. Ҳозир ўрим-йиғим авжида. Хирмон кўзланганидан зиёда бўлиши кутиляпти.

Пахтачиликка ҳам эътибор кучайтирилган. Ният 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 26 центнер ўрнига 35 центнердан чул жавоҳири йиғиштириб олиш.

Усмон Юсупов туманидаги «Ойдин» деҳқон (фермер) хўжалиги тасарруфида «МТЗ-80», «Т—4», «Олтой» русумли тракторлар мавжуд. Ушбу техникадан ерни шудгорлаш, паст-баланд жойларни текислаш, ғалла ва чигит экиш, экин қатор ораларига ишлов бериш, ғаллани ўриб-янчиб олиш, пахта ҳосилини саранжомлашда кенг фойдаланиляпти. Хулласи, техникага муҳтожлик йўқ. Техникаларни Ойдин опанинг ўғиллари Жуманазар ва Исроил моҳирлик билан бошқаришади.

Опанинг умр йўлдоши Исмоил Иброҳимов оилавий деҳқончилик ишларини юритишда кўмакдош. Етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Ҳаммаси меҳнатсевар. Наврўз, ҳайит кунлари фахрийлар, кам таъминланган оилаларга ёрдам беришади. Жумладан, тола ҳисобига олинган пахта ёғидан 100 килосини муҳтож оилаларга бепул тарқатишди.

Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида маккажўхори экишни бошлаб юборишди. Дарҳақиқат, жонкуяр ва фидокор аёл Ойдин Иброҳимова раҳбарлик қилаётган деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг юртимиз фаровонлиги, эл дастурхони тўкинлиги йўлида олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқдир..

Э. МУСАЕВ.

ЯНГИЛАНИШ УСТУВОРЛИКЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Республика байналмилал маданият маркази ва «Халқ бирлиги» ҳаракати Тошкентда Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби юзасидан илмий-амалий конференция ўтказди. Учрашувга таниқли олимлар, давлат муассасалари, ўқув юртлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари таклиф этилди.

Анжуманни «Халқ бирлиги» ҳаракати марказий кенгашининг раиси, Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети ректори вазифасини бажарувчи Т. Долимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори М. Раҳмонқулов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг проректори Н. Комилов, Президент девони Бош консультанти М. Қодиров маърузаларида давлатимиз бошлиғининг янги асаридаги асосий қоидалар, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги хавфсизлик ва тараққиёт стратегиясининг устуворлиги, миллатлараро муносабатларда диннинг ўрни, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг якунлари ва истиқболлари таҳлил қилиб берилди.

Китобда ўз ифодасини топган ва ҳозирги вақтда жамият ҳаётида содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳияти очиб берилди. Ислом Каримов янги асарининг нашр этилиши одатдан ташқари ёки кутилмаган воқеа эмаслиги, бу — муаллифнинг давр тақозоси асосида Ватан ва ўз халқи тақдири тўғрисидаги чуқур ўйлари, қилинган ишларнинг ва ҳозирча ҳал этилмаган вазифаларнинг танқидий таҳлили, белгиланган мақсадлар ва мустақил Ўзбекистон танлаб олган йўлда бундан буён қўйиладиган қадамларга илмий назар эканлиги таъкидланди.

Пойтахтда ишлаб турган бир қанча миллий марказларнинг раҳбарлари конференцияда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакатда турли миллатлар ва элатлар, турли динлар вакиллари ўртасида бирлик ва тотувликни таъминлаш муаммолари амалда қандай ҳал этилаётгани ҳақида сўзлаб бердилар. Давлатимиз конституцияси, унинг қонунлари, мамлакат раҳбарияти изчиллик билан амалга ошираётган доно сиёсат бу ишларни самарали амалга ошириш учун ишончли замин экани таъкидланди.

Конференцияда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Р. Баҳодиров сўзга чиқди.

Альфред БАРАНОВ, ЎзА мухбири

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ЖИДДИЙ ИЛМИЙ АСАР

Ўзбекистон Фанлар академиясида давлатимиз бошлиғи, академик Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид , барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланган илмий-амалий конференция бўлди. Унда Республика вазирликлари, идоралари, жамоат ташкилотлари, академия тизими муассасалари раҳбарлари, таниқли олимлар иштирок этди.

Анжуманни Фанлар академиясининг президенти, академик Т. Жўраев бошқарди. У мамлакатимиз раҳбарининг янги асари катта методологик аҳамиятга моликлигини таъкидлади. Унда республика иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиётининг шартлари ва кафолатлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Муаллиф давлатимиз, жамиятимиз хавфсизлигига таҳдидни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш йўлларини аниқ кўрсатиб берди.

Анжуман иштирокчиларининг нутқларида таъкидланганидек, китобдаги назарий хулосалар ва амалий тавсияларни амалга ошириш Ўзбекистон келажакда жаҳон майдонида ўзига муносиб ўрин эгаллашининг кафолатидир. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ўзаро фойдали ҳамкорлик ва бошқа давлатлар билан иқтисодий интеграция соҳасида эришган ютуқлари жаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан аниқ таҳлил этилган. Маҳаллий можаролар, экологик фалокатлар, тажовузкор миллатчилик, буюк давлат шовинизми, порага сотилиш, жиноятчилик каби ҳолларнинг сабаблари очиб ташланган.

Бу асарда миллат, элат, давлат, жамият, маҳалла ва бошқа тушунчалар замонавий илмий талқин қилинган. Республиканинг табиий-хомашё ресурсларига, унинг инсоний ва илмий-техникавий салоҳиятига, ижтимоий ва ишлаб чиқариш тузилмаларига баҳо берилган. Буларнинг ҳаммаси муаллифга мамлакатимиз танлаб олган тараққиёт йўлини илмий асослашга имкон берган. Мамлакат шу тараққиёт йўлидан оғишмай олга бормоқда, бу йўл жамият барқарорлигини ва иқтисодиёт тараққиётини таъминламоқда, у давлат хавфсизлигига таҳдиднинг олдини олиш кафолати ҳамдир.

Конференцияда Ислом Каримов китобининг асосий қоидалари мамлакат олимларига фундаментал тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларини, шу жумладан ижтимоий — гуманитар тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаб олишлари учун ноёб имконият яратиши таъкидланди. Шу сабабли бу асарни Фанлар академиясининг барча бўлинмаларида ҳар томонлама ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бундан ташқари асар республика мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари учун янги дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари яратишда ноёб манба бўлиши айтилди.

Конференцияга тақдим этилган маърузаларни муҳокама қилиш якунлари юзасидан анжуман иштирокчилари академия тизимида ишлаётган олимлар ва ишлаб чиқариш ходимлари учун тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

Конференция ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов иштирок этди.

Анна ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ДОНИ МЎЛНИНГ— КЎНГЛИ ТОҒ

Бугунги кунда Шўрчи туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ғаллакорларининг кайфияти аъло, ғайрат-шижоати устувор, ниятлари баланд. Улар йиллик режани муваффақиятли уддалашиб, биринчи кўзланган маррадан илгарилаб кетишди. Хирмонлари донга тўлиб бормоқда, ҳар қадамда залворли меҳнатнинг қут-баракаси бўй кўрсатмоқда.

Аввало ғаллакор-тадбиркорларнинг ўз тили билан айтсак, бултур кузда 674 гектар майдонга четдан келтирилган «Скифянка» навли буғдой уруғи экилиб, пировард натижада деҳқонлар ғалладан мўл-кўл ҳосил етиштиришди. Чиндан ҳам бу хўжалик даласига Аллоҳ бу йил қут-баракасини берди. Ҳосилдорлик кутилганидан ҳам зиёда бўлмоқда. Биз хўжалик ғаллазорларини айлаганимизда ризқ-насибамизни бутун айлаш йўлида енг шимариб тер тўкаётган ғаллакорларнинг қувончларига шерик бўлдик, хирмонларига янада барака тиладик.

Улар бу йил мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан режага кўра 38,6 центнердан ҳосил йиғиб олишни кўзда тутишган бўлса-да, айни натижалар қарийб икки баробарга кўпайганлигидан дарак бермоқда. Ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзида гектарига 50-70 центнерга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилги натижалардан кўп баланд.

Биз «Бу муваффақиятларнинг сири нимада?» деган хаёл билан баҳоли қудрат мушоҳада юритиб кўрдик.

— Бунда ҳеч қандай сир йўқ, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муродил Худойбердиев. — Биласизки, деҳқоннинг ҳаёти тўрт фасл ҳам меҳнат билан кечади. Узаро аҳиллик ва эзгу ният билан қилинган меҳнатнинг эса самараси аниқ: хирмонга барака қўшилади. Шу ният йўлида астойдил заҳмат чекдик. Ҳозир мустақил Ўзбекистонимизда улуғвор вазифа — ғалла мустақиллигини таъминлашдек саъй-ҳаракат кенг қулоч ёйган экан, бу йўлда устувор меҳнат қилиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард натижасига эришмоқ учун асло чекиниш мумкин эмас!

Не бахтки, далаларимизда залворли ҳосил тўпланди. Дони мўлнинг — нони мўл. Ғалла ўрим-йиғими мавсумига қизғин тайёргарлик кўрдик. Ғаллазорларимизда 4 та «Нива» ва битта Американинг «Кейс» комбайни бу долзарб мавсумга тўла ва унум билан жалб этилди. Табиийки, «икки хорижий давлат техникасидан қайси бири қишлоқ хўжалигида кўзланган натижани бериш мумкин?», деган савол туғилади.

100 гектар майдондаги ғалламизни Американинг «Кейс» комбайни билан ўрдик. Ғаллакорларимизга бу техника жуда ёқиб қолди. Ҳосилни тезроқ йиғиб олиш учун ҳар томонлама қулай, иш унуми яхши. Унинг яна бир шарофати — ўрим-йиғим даврида ҳосилни йўқотиш кескин камайди. Бошқа комбайнларга нисбатан иш суръати эса 2-2,5 баробар ортиқдир.

Меҳнат қилган элда азиз. Хўжаликда фидойи меҳнат соҳиблари кўпчиликни ташкил этади. Ҳосил тўплаш даврида жонини жабборга бериб ишлаганлардан бир нечтасининг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олиб ўтиш жоиз. Мамарайим Ҳоллиев, Ботир Шаймардонов, Оллоназар Эрматов сингари дала даргалари шулар сирасига киради. Илғор бригада бошлиқлари Фахриддин Мингбоев, Жўра Раҳимов, Муҳаммадали Турдиалиевлар деҳқончиликда олдинги сафларда боришоқда. Улар бошлиқ жамоаларда ҳосилдорлик юқори бўлаяпти. Бойқобил Нормуродов, Норбой Қодиров, Тилла Шарипов ва бошқа кўплаб комбайнчилар ҳосилни нест-нобуд қилмасдан тезроқ йиғиштириб олишда ғайрат-шижоат кўрсатяптилар.

Хўжалик тасарруфида фаолият кўрсатаётган 16 та фермер (деҳқон) хўжалигининг ҳам ҳосил баракасини оширишда салмоқли улуши бор. Уларнинг ҳар бири камида 5 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, ғалладан юқори ҳосил кутаришди. Деҳқон хўжалик аъзолари ҳосилнинг 50 фоизини давлат буюртмаси бўйича хирмонга топшириб, режадан ортиғини ўз манфаатлари учун ишлатишга қолдиришди. Манфаатдорлик бор жойда — ютуқлар салмоғи ошиб боришини шундан ҳам билиб олиш мумкин.

Йиллик режа ошириб уддаланди. Жамоа меҳнат аҳли ғалладан бўшаган 126 гектар майдонга фурсатни бой бермай чигит қадашди. Сифатли тайёрланган майдонларга «Юлдуз» навли тезпишар уруғ экилди. Тажрибали деҳқонларнинг фикрига кўра, бу нав 90 кунда етилиб, хирмон баракасига барака қўшади.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ЧЎЛНИНГ ОЛТИН САНДИҒИ

Музрабоддан хушхабар келди. Туман ғаллакорлари давлат буюртмасини муваффақиятли бажардилар. Қабул пунктларига 23.960 тоннадан ортиқ сара дон етказиб берилди. Чўлқуварлар Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги нишонланадиган мавсумда пахтачиликда, шоличиликда ҳам илдам қадамлар қўйилишини ишонч билан таъкидлашмоқда.

— Муҳтарам Президентимиз Сурхондарёга сафари чоғида ҳар ишда изланиш, ташаббускорлик зарурлигини алоҳида уқтирган эдилар, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Абдумурод ЛАПАСОВ. — Худди шу омил иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, бозор муаммоларини вақтида муваффақиятли ҳал этиш имконини бераяпти.

Ҳоким хўжаликларни бирма-бир айланиб одамлар кайфияти, орзу-интилишлари, яшаш шароитлари билан танишгач, тахминлари тўғрилигига ишонди. Чўл кишиларининг баҳоси йўқ. Фидойи, метин иродали, орияти кучли инсонлар. Фақат айрим раҳбару мутахассисларда ҳадиксираш яққол сезиларди.

Ҳа, маъмурий буйруқбозлик услуби йиллар мобайнида айниқса раислар, етакчи мутахассисларни қаттиқ эзди, — ҳаелидан ўтказди Абдумурод ака. — Баъзи тўралар оддий бир топшириқ бериш учун хўжалик раҳбарини кунига узоқ йўл босиб ҳузурига келишга, баъзида эса қабулхонада соатлаб кутишга мажбур қилишган. Шу каби йўллар билан зўравонлиқ сиёсатини юргизишган. Ҳаммаси ортда қолиб бошимиз узра истиқлол қуёши порлаётган бўлса-да, қайсидир хўжаликда, ташкилотда тўрачилик асоратлари сезилиб турарди.

Янги ҳоким биринчи кунданоқ мажлисбозликка, дабдабабозликка, расмиятчиликка қарши қатъий курашди. Истиқлол берган бахт, иқбол нашидасини туйиш, миллий узликни англаш, қўксини тоғ қилиб яшашни одамларга ўргатди. Ахир замон ўзгарди, қуллуқчи мулозимлар замони ўтди, мард, эл-юртини севадиган, жон қойитиб ишлайдиган инсонлар замони келди.

Кадрларда бозор шароитида ишлаш қобилиятини шакллантириш, боқимандаликка барҳам бериб, иқтисодчиларни изчил амалга оширишга эришиш жуда муҳим эди. Бунинг учун аввало ҳокимнинг ўзи ўқиди. Хўжаликларнинг раҳбару мутахассислари, қуйи бўғин кадрлари иқтисодий билимларини оширишди. Олимлар, иқтисодчилар шийпонларда суҳбатлар ўтказишди. Муайян вақт ўтди. Энди ислоҳот моҳияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг йўл-йўриқлари, банк билан малакали муомала қилиш йўллари, дебитор, кредиторлик қарзлари, пайчилик аҳамияти кабиларни кўпчилик билиб олганди.

Туман ҳокимлиги буни инобатга олиб, мулкдорлар синфининг истиқболли вакилларини шакллантиришга киришди. «Қўнғирот» хўжалиги деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмасига айлантирилди. 247 нафар тадбиркор ўз ери, техникаси, банкда ҳисоб рақамига эга бўлди. Уларнинг унумли ишлаб яхши яшашлари учун шароитлар муҳайё этила борди. Одамлар зўр кўтаринкилик, ташаббускорлик кўрсатиб асл мулкдор, чўлқувар нималарга қодир эканлигини кўрсатдилар. Биринчи йилиёқ А. Абдуназаров, Б. Олтибоев, Ш. Бобоёров каби фидойилар гектаридан 45-50 центнердан пахта ҳосили олишга эришдилар. Иқтисодий ислоҳот Музрободда ҳам туб бурилишлар учун имконият яратди. Фермер Бахтиер Холмуродов ғалла ҳосилдорлигини 53 центнерга етказиб, ташаббускорлар сафини янада кенгайтирди. Орадан икки йил ўтгач туманда фермерлар сони қариб мингтага етди.

Абдумурод Лапасов кадрларни танлаш, тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйишда отахонлар, тажрибакорлар фикрига таянди. Айни пайтда ҳар бир жамоада соғлом муҳит, мустаҳкам интизом бўлиши учун курашди. Демократияни нотўғри тушунаётган, ҳалол одамлар, раҳбару мутахассислар устидан бўҳтон ғаплар тарқатаётган, саъй-ҳаракати фақат ақл ўргатишдан иборат бўлаётган қимсалар кўзини мошдек очди. Ҳисобдан яшириб қолинган экинзорлар, мевазорлар хўжаликларга қайтарилди. Барча ерда пахта, ғалла майдонлари тўлиқ бўлишига эришилди.

35 ешли Исмоил Азизов «Туркистон» хўжалигига раисликка тавсия этилганида кимлардир ҳайратланди. Гумонлар ортиқча эди. Боиси, янги раис деҳқончиликда суяги қотган, ишлаб чиқаришда бой тажриба орттирган асл чўлқувارلардан бири. Бугун билими, ташкилотчилик қобилиятини барча соҳани бирдек ривожлантиришга қаратди. Қийналган дамларида унга тажрибакорлар, қоловерса, туман ҳокими яқиндан ёрдам берди.

Уз ўрнини топган раиснинг қутлуғ пойқадами билан биринчи йилиёқ пахта ҳосилдорлиги гектарига 4 центнерга ортди. «Туркистон» хўжалиги ўтган йили барча соҳалар бўйича 112 миллион сўм даромад қилди. Бунедқорлик ишлари жонланди.

Ташаббускорлик чўлқувارلارнинг энг ноёб фазилати. «Туркистон» деҳқонлари бу йил 100

Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги шарафига

гектар ерда Андижон технологиясини қўлладилар. Янгилишилмаган экан, ғўзалар бўлиқ, серҳосил бўлиб ўсмоқда. Мутахассислар истиқболли усул шарофати билан ҳосил камида 20 кун эрта етилади, дейишмоқда.

Туман ҳокими яна бир нарсадан хурсанд: одамлар дунёқараши, ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Меҳру оқибат тобора кучайиб бормоқда. Истиқлол берган бахтни барча қалбдан туймоқда.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Кимнингдир лоқайдлиги туфайли энг бооғру кишилардан бири Т. Алимқулов уйи ёниб кетди. Воқеа содир бўлган ерга зудлик билан етиб келган Абдумурод Лапасов оила аъзоларининг кунглини кўтарди, уларга ҳар томонлама мадад кўрсатишини таъкидлади. Чиндан ҳам аксарият хўжалик, корхона, ташкилот жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўзди. Ҳиммат ли кишилар, тадбиркорлар ҳам қараб турмишди. Натижада Алимқуловлар оиласи қисқа вақт ичида ажойиб қилиб қурилган янги уйга кўчиб киришилар!

Тўкинлик манбаи — томорқаларни ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Ҳонадонлар ложи борича ўтит, ўруғлик ҳамда техника билан таъминланди. Аввалари Музрободда етиштирилмай келинган сабзавот турлари қўпайди. Мош, ловия, картошка ва бошқа неъматлар томорқалардан олинди. Бир йилда иккиуч ҳосил етиштиришга эришганларнинг бирлари икки бўлди, Жумладан, Дўстқобиловлар, Чориевлар томорқадан йилига 120 минг сўм атрофида даромад қилишмоқда.

Абдумурод ака ёшлар ҳақида алоҳида қайғуради. Улар орасидан ўқимишли, билимдон мутахассис кадрлар етишиб чиқиши учун ҳеч нарсани аямайди. Отабоболари касбини давом эттиришга жазм қилганларни ҳар қадамда қўллаб-қувватлайди. Ўтган йили 1408 йигит ва қиз ўрта мактабларни битирди. Шулардан 651 нафари сувчи, механизатор, тадбиркор, саноатчи бўлиб ишлаяпти. 200 га яқин Музробод ёшлари олий ўқув юртларида ўқишмоқда. 413 нафар мард ўғлон эса армия сафида йигитлик бурчини адо этмоқда. Жорий йилда мактаблардан 938 ўқувчи мустақил ҳаётга йўлланма олди. Не бахтки, уларнинг кўпчилиги ғаллакорлар ва пахтакорлар сафига қўшилдилар. Бироқ қишлоқ оқсоқолари ёшлар орзу қилганидек файзли, мароқли ўтишига эришиш учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини мутасаддилар яхши тушунишяпти. Сўнгги икки йилда хусусий корхоналар, цехлар, деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳисобига 1.412 ишчи ўрни яратилди. Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, четга кўпроқ хом ашё эмас, тайёр маҳсулот сотиш ниятида ҳам хайрли қадамлар қўйилмоқда.

Туманда бу йил 11.765 гектар ерда ғалладан мўл ҳосил яратилди. Урим-йиғим ишлари зўр уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Мавсум қаҳрамонлари Х. Отамуродов, Х. Аллаёров, Х. Чориев каби комбайнчилар кунлик нормани 1,5 ҳисса адо этиб, хирмонга барака киритдилар. Уюшқоқлик, ташаббускорлик ва яхши сафарбарлик туфайли давлат буюртмаси муваффақиятли адо этилди. Қабул пунктларига 23960 тоннадан ортиқ эл бойлиги етказиб берилди. Ғалладан бўшаган майдонларга пешмапеш такрорий экинлар экилмоқда.

Абдумурод аканинг таъкидлашича, аксарият жамоаларда Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги шарафига меҳнат беллашуви кун сайин қизғин тус олмоқда. Чўлқуварлар тўйга муносиб меҳнат совғалари ҳозирлашмоқда. 15.500 гектардан ортиқ майдонларда ғўзалар кўнгиллагидек ривожланяпти. Андижон усули Сурхондарёда, хусусан, мазкур туманда ҳам ўзини оқлаяпти. 750 гектар ерга пленка остига экилган чигит барвақт униб чиқди ва баравж ривожланиб, кутилганидан анча илгари ҳосилга кирди. Аксарият хўжаликларда бу йилги пахта ҳосилининг асосий қисми сентябрь ойида саранжомланади дейишмоқда.

Ҳоким бир сўзли раҳбар. Бирон ишга қўл урдими, албатта уни муваффақиятли охирига етказади. Ҳал қилувчи дамларда раислар, мутахассислар-га топшириқ бериб, ярим кечада бўлса-да ишларни ўзи назорат қилади. Ғалла мавсумининг энг қизғин онларида у 25 кун деярли ухламади. Бошқалардан ҳам юксак масъулият, фидойиликни талаб қилди. Буни одамлар тўғри тушунишяпти. Ҳокимни қўллаб-қувватлаб, ниятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашмоқдалар.

Мустақиллик йилларида мазкур туманда қўлга киритилган катта муваффақиятлардан бири шоличиликни жадал ривожлантиришга эришилганлигидир. Жумладан, ўтган йили 5300 гектар ерда бу экиндан баракали хирмон кўтарилди. Халқимизга 17.430 тонна шоли тортиқ этилди. Худди шу тармоқнинг ўзидан 82 миллион сўм даромад қилинди. Бу йил Парда Худоеров, Рамазон Холмирзаев, Файзулла Алимов каби эл дарғалари шоли ҳосилдорлигини гектарига 4 центнерга ошириш юзасидан ташаббус бошладилар. Ҳа, ўтган беш йилдан ортиқроқ вақт ичида бу ерда ғаллачилик, пахтачилик, шоличилик ва бошқа тармоқларда қувончли натижалар қўлга киритилди. Метин иродали, элим, юртим деб ёниб, жўшиб ишлаётган инсонлар саъй-ҳаракати билан чўлнинг олтин сандиғи очилди.

— Бизнинг шароитда муаммолар етарли, — фикрини ифодалайди ҳоким, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Абдумурод Лапасов. — Ҳал қилувчи дамларда Президентимизнинг китоблари дастуруламал бўлмоқда. Муҳтарам юртбошимиз, академик Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китобида давримизнинг энг муҳим, долзарб мураккаб иқтимоий-сиёсий масала муаммолари теран таҳлил этилган. У мустақил Ўзбекистонни жумлаи жаҳонга янада кенгроқ танитишда алоҳида ўрин тутади. Мамлакатнинг бугуни ва эртаси ҳақидаги ўйлар чуқур илмий ёндошув ва холислик ила баён этилган китоб чўлқувارلارимиз томонидан ҳам зўр қизиқиш ва манфаатдорлик ила ўқиб ўрганилмоқда. У халқимиз тафаккури уфқларини янада кенгайтиради, шу куннинг долзарб вазифалари, муаммоли таҳдилларини равшан тушуниш, тўғри хулосалар чиқаришда беқиёс роль ўйнайди. Айни пайтда қалбимиздаги ўз Ватанимиз, халқимиз, замонамизга бўлган фахр ҳис-туйғуларини жўш ўрдиради, янада унумлироқ, барақалироқ меҳнат қилишга чорлайди.

Мирғиёс ҚАЮМОВ.



Халқимизнинг «Ёзнинг бир куни йилга татийди», деган мақоли бор. Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» ширкат-фермер хўжалиги чорвадорлари шу ҳикматга амал қилган ҳолда чорва қишловига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Хўжаликнинг сутчилик фермасидаги 536 бош қорамолни йилнинг тўрт фаслида ҳам тўқ ва соғлом сақлаш, 176 бош соғин сигирдан мўл маҳсулот олиш биринчи навбатда озуқа мўллигига боғлиқ. Ҳозир бу ерда қишлов учун 460 тонна беда пичани, 50 тонна сомон ва бошқа озуқа турларини жамғариш қизғин бормоқда.

Суратларда: 1. Илғор чорвадор Муҳиддин Бойматов. 2. Молларни яйратиб боқиш учун фермада ҳамма шароит мавжуд.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ҚУРУҚ МЕВА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

«Нишона» фирмаси тадбиркорлари Бухоро вилояти Пешқу туманидаги савдо марказининг бўш турган жойида сабзавот ва меваларни қуритадиган кичик завод қуришди.

Фирма ходимлари янги ишлаб чиқаришни ташкил этишдан олдин ҳам ички, ҳам ташқи бозорни пухта ўрганишди. Масалан, Россияда, айниқса Сибирда паштак, кишмиш ва қуритилган пиёзга талаб катта экани аниқланди. Шу сабабли Пешкудаги кичик завод маҳсулотларини Сибирга етказиб беришга аҳд қилинди. Чунки у ерда қуруқ мева валютага сотилади.

Корхонада йилига 150 тоннагача туршак ва сабзавот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир бу ерда 28 киши ишламоқда. Корхона тез орада қуруқ мевани идишларга ўраб жойлайдиган линия сотиб олиш ниятида. Бу маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини оширади ва яна 20 га яқин кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

ДАЛА ЁНИДА ЗАВОД

Марҳамат туманидаги Ўқчи қишлоғида қурилаётган пахта тозалаш заводи цехларига технология ускуналарини ўрнатиш бошланди. Заводни «Агроқурилиш-2» трестининг 113-механизациялашган кўчма колоннаси ҳамда трестнинг бошқа бўлинмаларидаги бинокорлик бригадалари, шунингдек «Андижонирригацияқурилиш» ва «Андижонжамферлойиҳақурилиш» бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш жамоалари қурмоқда.

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқариш бинолари, тайёр маҳсулот ва чигит сақланадиган омбор,маъмурий-маиший корпус, ишчилар ошхонаси бинолари ва бўёқ ишлари жадал бормоқда. Завод қошидаги пахта тайёрлаш пунктида сув сақланадиган ҳовузлар ва бошқа участкалар тайёрлаб қўйилди.

Марҳамат тумани пахтакорлари шу вақтга қадар ҳосилни Асакадаги пахта тозалаш заводининг тайёрлаш пунктларига топширар эди. Андижон вилоят ҳокимлиги ва республика ҳукуматининг ташаббуси билан бир йилда 25 минг тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган Ўқчи пахта заводини пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар қуриб битказиб, фойдаланиш учун топширишга қарор қилинди. Завод ишга тушгач, транспорт харажатлари камаяди, Асакадаги экология вазияти яхшиланади, аҳоли зич жойлашган Марҳамат туманида икки юздан ортиқ киши доимий иш билан таъминланади.

НАМАНГАН ЯНАДА КЎРКАМЛАШМОҚДА

Наманганнинг эски шаҳар қисмидаги «Чорсу» марказий деҳқон бозори атрофида тез орада кўп квартирали уй жой мажмуи қад кўтаради. Вилоят марказини қуришнинг бош режасига мувофиқ, янги уй жой мажмуи шаҳарнинг меъморий қиёфасига уйғун бўлади ва унинг диққатга сазовор жойларидан бирига айланади.

Янги уйларнинг биринчи қаватида магазинлар, маиший хизмат корхоналари жойлашади. Ҳовлили уйларда яшашга ўрганиб қолган кишилар иккинчи қаватга кўтарилса ҳам, улар, барибир афсусланмайди: чунки кенг ва ёруғ квартиралар олдин қурилганларидан бутунлай фарқ қилади. Бу фарқ фақат ҳоналарнинг катталиги, балконларидагина эмас, ҳар бир квартирада (уй—жой мажмуида юзта квартира бўлади) кичик қозонхона кўзда тутилган, мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, бу — сув ва газни анча тежашга имкон беради.

Ҳозир уй—жой мажмуи қурилиши бошлаб юборилди. Унга кетадиган маблағнинг ярми маҳаллий бюджетдан ажратилади, қолган қисми аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг маблағидан иборат бўлади. «Инвестуйжойқурилиш» банки вилоят бўлими уй—жой мажмуидан кватрира олувчиларга имтиёзли кредит бермоқда.

Янги уй—жой мажмуининг биринчи навбати — 24 квартирали уйни республика мустақиллигининг олти йиллиги байрамига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

(ЎзА).

Ҳ.Х. II. 1997 йил 8 июн № 54

АМЕРИКА

Бугунги кунда АҚШда 1 миллион 920 мингдан ортиқроқ фермер фаолият кўрсатмоқда. Бу бошқача қилиб айтганда, ҳар бир фермер 129 кишини озиқ-овқат билан таъминланмоқда деганидир; шундан 97 нафар АҚШда ва 32 нафари бошқа давлатларда яшайди. Небраска штатида эса 56 минг фермер бор. Шу штатдаги Оклонд шаҳри яқинида истиқомат қиладиган ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадиган Рональд (тўлиқ номи «Бауманс ферма» ИНК корпорайшн») ана шундай фермерлардан бири.

Биз Рональднинг уйида 4 кун турдик ва фермерларнинг кундалик ҳаёти, иш юритиши, умуман фермер ҳаёти билан чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўлдик. Рональд Бауман 47 ёшда, мутахассислиги ҳуқуқшунос, бундан 25 йил аввал фермани онаси Луиза хонимдан қабул қилиб олган. Оналари ҳозир 85 ёшда, жуда тетик. Рональд фермасидан 15 мил узоқликда кичик шаҳарчада истиқомат қилади. Уғлиникига ўз машинасида, автомашинани ўзи бошқариб келади. Ҳар тащрифда қимматли маслаҳатлар беради. Рональднинг оиласи унча катта эмас, беш кишидан иборат. Турмуш ўртоғи Анита 47 ёшда, мутахассислиги ўқитувчи. Операция бўлганлиги учун жисмоний ишлар билан шуғулланмайди, Рональда ҳисоб-китоб ишларида кўмаклашади. У мактабда дарс ҳам беради. Катта қизи Элизабет 18 ёшда. Линкольн шаҳрида университетда ўқийди; кимёгар бўлмоқчи, турмушга чиққан ва турмуш ўртоғи Кейм (21 ёшда) билан Линкольн шаҳрида яшайди. Ўғли Эрик 14 ёшда ва кичик қизи Алиша 12 ёшда, мактабда ўқишади.

Фермернинг ер майдони 1200 акр. Шундан 85 акрни ижарага олган, қолгани шахсий ери, 658 акрга маккажўхори, 270 акрга соя, 125 акрга беда экилган. Қолган майдонлар яйловга қолдирилган ёки қурилиш билан банд. Фермер ишининг асосий йўналиши бузоқларни семиритириб гўштга сотиш. Бир йилда ўртача 1500 бош бузоқ семиритириб сотади. Фермер ўз ерларидаги экинларни (маккажўхори, соя, беда ва озроқ майдонда сорго) ўзи экади, бошқаларга ишонмайди. Ўруғликни ўзи тайёрламайди, махсус компаниялардан сотиб олади. Шуни таъкидлаш керакки, экин экишда ўруғлик сарфига, экиш нормасига қатъий риоя қилади ва умуман экинларга ягона қилинмайди.

Деҳқончиликда ўруғликка катта эътибор берилиши ва ўруғликни уяларга аниқ сочиб ташлаш ҳисобига Америка деҳқончилигида ягона деган тушунча йўқ. Соя қатор оралиги 15 см. қилиб экилади ва қатор оралиғига ишлов берилмайди. Ҳосилни (Джон Дир фирмасида бир дона комбайн бор) билан ўриб олади. Бу ишни ҳам фермер ўзи бажаради. Маккажўхори қатор оралиғига 1-2 маротаба 98 см. ишлов берилади, ишлов қаттиқ ёмғирдан сўнг амалга оширилади. Аммо бегона ўтга қарши вегетация даврида 2-3 маротаба химиявий ишлов берилади. Шунингдек, ҳашарот ва усимлик касалликларига қарши кураш ниҳоятда яхши йўлга қўйилган. Бу ишларни олиб бориш учун махсус кооперативлар ташкил қилинган. Кооператив шартнома асосида иш олиб боради. Фермер керакли техника билан таъминланган. Жумладан 6 та трактор, 2 юк машинаси, 1 комбайн, 1 юк юклагич ва шу тракторлар билан ишлайдиган сеялка ҳамда бошқа ҳўжалик машиналари бор.

Рональд биргина ердамчи билан 1500 бош йирик шохли молни семиритириб сотади ва 450 гектар майдонда деҳқончилик ишларини олиб боради, барча ишларни асосан ўзи ва ердамчиси бажаради. Мавсум кезлари 2-4 ишчини еллаб ишлатади. Албатта, икки кишининг 1200 акр майдонда деҳқончилик қилиши ва 1500 молни бурдоқига боқиши ажабланарли ҳол. Кўпчилик ишонмаслиги, ёки барча ишлар жуда юқори даражада механизациялашганлиги ҳисобига бўлса керак, деган фикрга бориши мумкин. Аммо икки киши 1500 бош молни боқиши ҳам, бу жараён юқори даражада механизациялашмагани ҳам реал воқеа. Фермер бир гектардан ортиқроқ майдоннинг атрофини оддий тахталар билан ўраб қўйган ва шу ўралган майдоннинг четига охур (лоток) қўйган. Шу охурларга фермер бир суткада икки маротаба тракторга тиркалган тарқатгич билан омихта ем тарқатиб чиқади. Уралган майдон (загон) бешта бўлинган бўлиб, моллар вазнига қараб гуруҳларга бўлиб боқилади. Сув доимо оқиб туради. Моллар семиритириб етилганига қараб сотишга тайёрлаб борилади ва ўрнига янгиларини сотиб олинади. Бузоқларни бошқа фермердан, ҳатто бошқа штатдан 250-350 кг вазнда сотиб олиб, уч ойдан олти ойгача семиритирилади ва 600-700 кг вазнга етказиб сотилади. Молни сотиб олишда махсус дилер (ўртада туриб мол сотиб олишга ёрдам қилувчилар) хизматидан фойдаланилади. Молни асосан гўшт комбинатига топширилади. Комбинат 30-35 мил узоқликда жойлашган. Молни манзилга олиб боришда махсус юк машинаси хизматидан фойдаланилади. Битта юк машинасига ўртача 40 бош мол сиғади.

Фермер молларни асосан омухта ем билан боқади. Омихта ем макка дони билан бедани майдалаб аралаштирилган. Буни бетонлаб қўйилган катта хандақларда жойлаштирилган (бизлаги силос бостириш каби) ва махсус юклагич билан ем тарқатгичга юклаб унга микроэлемент туз ва керакли компонентлар қўшилади. Махсус минорада барча емга қўшилиши лозим бўлган компонентлар жойлаштирилган ва бу модда миқдори компьютерда ҳисоблаб қўшилиб, ем тарқатгичнинг ўзида аралаштирилади, сўнгра молга берилади. Бериладиган емнинг миқдори ҳам мол бошига қараб ҳисобланган. Омихта ем таркибига барча зарур элементлар қўшилгани ҳисобига молга қуруқ ёки ҳўл ҳашак берилмайди. Қуруқ ҳашак семиритириш учун сотиб олинган янги гуруҳ молга 10-15 кун, яъни улар шароитга мослашгунга қадар берилади, холос. Моллар бир кеча-кундузда 1,2-1,6 кг атрофида семиради.

Таъкидлаганимиздек, 1500 бош молни семиритириш ва 1200 акр ердаги экинларни экиб ҳосил олиш ишларини фақат икки киши бажаради, ҳисоб-китоб ишларини эса фермернинг ўзи олиб боради. Баъзи бир вақтларда унга турмуш ўртоғи Анита ердамлашади.

Йирик шохли молни семиритириб сотишга ихтисослашган яна бир фермер Лоуэллнинг иши ҳам эътиборга сазоворлир. У ўғли Томм билан биргаликда учта ердамчи ишчи қўмасида йилига 7 минг бош молни семиритириб сотмоқда. Мол боқиладиган жой Рональднинг ўхшаш — 2 гектардан кўпроқ майдон оддий тахта билан ураб, бир неча бўлимларга бўлиб қўйилган. Лоуэллнинг 2500 акр шахсий ери бор. Бу ерга маккажўхори, соя ва беда эккан. Дала ишлари, ер ҳайдаш, экинларни экиш ва шунга ўхшаш барча ишларни фермер ўзининг уч ердамчиси билан бажаради. Ҳайратланарлиси шуки, Рональднинг ҳам, Лоуэллнинг ҳам фермасида бир йилда молнинг нобуд бўлиши 1 фоиздан ошмас экан. Улар ветеринар билан шартнома тузганлар ва ветеринар доимо молларнинг соғлом бўлишини назорат қилиб боради.

Шу ерда бир нарсага эътибор бериш керак, бизда 1200 акр — 450 гектар ер майдони ва 1500 бош моли бор ҳўжаликда ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш учун камида 4-5 ҳисобчи, 4-5 раҳбар банд, далада ишлаётганлар ва мол боқадиганларнинг сони эса камида 20-25 кишидан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, биргина фермер Рональднинг ердамчиси билан бажараётган ишига бизда 50-60 киши банд бўлмоқда. Фермер Лоуэлл амалга ошираётган ишларни эса бизда катта ҳўжалик 250-300 киши билан бажармоқда. Ўртадаги тафовут шундан иборатки, иш юритувчи ҳам, ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ҳам, раҳбарлик қилувчи ҳам, маошни даромад ҳисобидан олувчи ҳам фермернинг ўзи. Шу нарсалар билан танишар экансиз, Президентимиз И. А. Каримовнинг ҳўжалик бошқарув аппаратини қисқартириш, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, маошни меҳнатга эмас, даромадга қараб белгилаш ва хусусийлаштиришга қаратилган қатор фармонлари нақадар ўз вақтида қабул қилинганлиги ҳамда бу фармонларнинг ҳаётга тўлиқ тадбиқ этилиши ватанимиз равнақида муҳим роль ўйнашини яна бир бор яққол тасаввур этиш мумкин.

Шунингдек, оила аъзолари (3-4 киши) билан 4-4,5 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган фермерларни ҳам учратдик. Бу қадар катта майдонда бир неча кишининг муваффақиятли ишлаши, ёки катта миқдордаги молни неча киши боқиши ва улардаги меҳнат унумдорлигининг ниҳоятда юқори эканлиги бир қатор омилларга боғлиқ. Бу омилларнинг аввали, бу мулкка булган эгалик хусусияти, мулкнинг шахсий эканлиги. Шунинг учун олинган фойда ҳам, зарар ҳам фермер иқтисодига бевосита таъсир кўрсатади. Албатта фермер даромадининг кўп, сарф-харажатларнинг кам бўлиши учун интилади ва бунинг учун барча чораларни кўради. Иккинчидан, фермерларнинг маҳсулот етиштиришда ихтисослашганлиги; яъни асосий воситалар ҳажмининг камлиги, фермер тажрибасининг доимо ошиб бориши маҳсулот сифатини яхшилашга сабаб бўлади. Учинчидан, фермерлар учун сервис хизматининг ниҳоятда яхши ташкил қилинганлиги.

Биз юқорида фермерлар етиштирган маҳсулотларни сотиб олиш учун тузилган шахсий ёки акционерлик компаниялари ҳақида гапириб ўтган эдик. Бундан ташқари, фермерлар учун агрохимия, механизация, зооветеринария, транспорт, банк, ўруғлик етказиб бериш бўйича хизматлар ҳам юқори даражада ташкил қилинган. Шундай компаниялардан бирининг иши билан чуқурроқ танишиш мақсадида Оклонд шаҳрида ташкил қилинган агрохимия хизмати кўрсатувчи кооператива бордик. У радиуси 30 мил атрофидаги фермерларга хизмат кўрсатмоқда. Бу кооператив фермерларга химикатлар етказиб бериш ва уларнинг далаларини бегона ўтлардан кимёвий усул билан тозалаш, шунингдек усимликларнинг касалликлари ва ҳашаротларга қарши курашда ёрдам берадилар. Кооперативда узларининг тракторлари ва кимёвий препаратлар сепадиган агрегатлар бор. Фермaнинг хоҳишига қараб механизм прокатга берилиши мумкин.

Тракторлар 200 от кучига эга, химикат сепиш агрегати кенглиги 32 метр. Шунинг ҳисобига бегона ўтга ёки ҳашаротга қарши кураш, шунингдек, суюлтирилган ўғит беришдаги иш унуми ниҳоятда юқори. Бир кунда бир агрегат билан 100-150 гектар ерни ишлаш мумкин. Таъкидлаш керакки, Америкада минерал ўғитлар мураккаб ҳолда — азот, фосфор, калий ва бошқа микроэлементлар қўшилиб суюлтирилган ҳолда берилади. Умумий майдоннинг 70 фоизига ўғит суюлтирилган ҳолда, қолган 30 фоиз майдонга порошок типида берилади. Аммо бу ишлар асосан суғориладиган майдонларда, ёки об-ҳаво ўзгаришига қараб, ёмғир ёғмасдан олдин амалга оширилади. Ўғит самарадорлигининг юқори бўлиши ҳам шундан. Ҳар бир фермернинг шахсий компьютери йўлдош орқали об-ҳаво маълумотини кузатиб бориш имкониятини беради. Фермер сутканинг хоҳлаган вақтида об-ҳавонинг ҳолати ва эртага қандай бўлишидан хабардор. Айниқса химикат билан ишлов беришда бу нарсанинг аҳамияти катта. Агар, дейлик, ёғингарчилик бўлиши кутилаётган бўлса, кимёвий моддалар ювилиб кетмаслиги учун ишлов берилмайди.

Ишлов бериш қандай тезликда олиб борилишидан қатъи назар даладаги бегона ўтларнинг қалин ёки сийраклиги, ҳашаротнинг кўп ёки озлиги йўлдош орқали ҳар 2,5 акр (1 га дан кўпроқ) майдон бўйича аниқлаб борилади ҳамда ишлаётган агрегат компьютерларига мутасил бериб турилади ва химикат сарфи шунга қараб бир даланинг ўзида бир неча маротаба ўзгариши мумкин. Бу системага кетган сарф-харажат ҳосилнинг юқори бўлиши билан қопланади. Шундай қилиб, Америка фермерлари химикат сарфини камайтириш билан экологик муҳитни ҳам сақлашга ҳаракат қиладилар.

Кооперативга фермерлар ҳам аъзо бўлиб киришган ва соф фойдадан дивиденд оладилар. Кооперативни директорлар кенгаши бошқаради. Доимий ишловчилар сони 60 киши, шундан 25

ЖАҲОН ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАЖРИБАСИДАН

ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА

Суғурта хизмати самарали ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни ва аҳолини суғурта йўли билан ҳимоя қилишнинг қулай шарт-шароитларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг Республика Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат суғурта бош бошқармасини «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясига айлантириш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

— Бу фармонни зўр хурсандчилик билан қарши олдик, — дейди Фарғона вилояти давлат акциядорлик суғурта компанияси бошлиғи Аъзамжон Аҳмадалиев. — Фармон халқ олдидаги масъулиятимизни янада оширди, кенг имкониятлар яратди. Аввллари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар мажбурий суғурта қилинарди. Энди бу эркин, ихтиёрий бўлади. Деҳқончилик соҳасида неъмат етиштирувчиларнинг мулки ва маҳсулоти суғурта йўли билан ҳимояланади, агар улар қарз олмоқчи бўлса, тулашга қодирлиги ўрганилади, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва деҳқончилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган кредитларни қоплашга суғурта кафолатларини тақдим этади.

Ўтган йили вилоят давлат суғурта бошқармаси жамоаси ва унинг туманлардаги вакиллари табиий офатлардан зарар кўрган хўжаликларга, фермерларга суғурта ёрдами кўрсатишда ҳамда аҳолининг шахсий мол-мулкларини суғурталашда ибратли ишларни амалга оширдилар. 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган довул ва об-ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши оқибатида вилоятда жами 86.753 гектар экинзор, боғ-роғлар, шу жумладан 65.002 гектар майдондаги ғўза кучли зарарланди. Табиий офатдан зарар кўрган хўжаликларга давлат суғуртаси йўли билан 634 миллион 714 минг 743 сўм ёрдам тариқасида тўланадиган бўлди.

Кези келганда шуни эслатиб ўтиш лозим, шартнома тузган хўжаликлар суғурта тўловларини ўз вақтида тўламайдилар. Аммо, бошга иш тушганда зарарни тезроқ ундириб беришни талаб қиладилар. Вилоятдаги 201 та хўжаликдан атиги учтаси суғурта бадалларини тўлашган, холос. Улар Олтиариқ туманидаги «Тонг» жамоа хўжалиги, Охунбобоев туманидаги паррандачилик ва бўрдоқчилик корхонаси ҳамда Риштон туманидаги «Ёйилма» жамоа хўжалигидир. Ўтган йилги ҳисоб- китобларга қараганда, хўжаликлар суғурта тўловларидан 25. 280 минг сўм қарздор бўлиб қолишган. Хўжаликларда табиий офат оқибати бўйича тўланадиган маблағлардан ана шу қарзлар ушлаб қолинмоқда. Янги фармон бўйича суғурта тўловларини хўжаликлар вақтида ихтиёрий тулаб борадилар.

Ўтган йили табиий офатдан катта зарар кўриб, пахта тайёрлаш режаларини бажара олмаган хўжаликлар давлат суғуртасидан катта манфаат кўрмоқдалар. Масалан, Бувайда туманидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги, Ўзбекистон туманидаги Ғ. Ғулом номли, Фурқат туманидаги «Қолғандаре», Данғара туманидаги «Сирдаре» жамоа хўжалиги катта миқдорда суғурта ёрдамини олмоқдалар. Уч йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини бажариб, аммо суғурта пулларини олмаган хўжаликларга 10-30 фоизли имтиёзли маблағ тарқатилаяпти. Ўтган йили 2.215.213 сўм имтиёзли пул берилди.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг шахсий молмулкини суғурта қилдириш кенг тушунтирилмоқда. Натижада шахсий суғурта режаси 335,5 фоизга бажарилди. Ижарачи, деҳқон-фермерларни ихтиёрий суғурта қилдириш 435,8 минг сўм ўрнига 712,4 минг сўмга ёки 163,5 фоизга бажарилди. Фуқароларнинг иморатлари, уй буюмлари, транспортларини ихтиёрий суғурта қилдириш яхши кетаяпти. Аҳолига барча турдаги суғурта хизмати кўрсатиш 40 миллион 404 минг 921 сўмга режалаштирилган бўлса, 1996 йили бу соҳа 54 миллион 375 минг сўмга бажарилди. Йил якуни бўйича давлат суғурта бошқармаси 15.747.835 сўм даромад қилди. Жамоанинг соф фойдаси 7.413.08 сўмга етди.

Вилоят хўжаликларининг мулки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, аҳолининг шахсий, мулкий манфаатларини суғурта қилдиришга, ҳужжатларни расмийлаштиришда вилоят давлат акциядорлик суғурта компаниясининг 128 нафар суғуртачилари фаол қатнашмоқда. Улар орасида компания раисининг қишлоқ хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Оноберди Қўчқоров, етакчи мутахассислари Ҳатамбой Тўйчибоев, Баҳодиржон Маъруфжонов, биринчи тоифали иқтисодчи Муродхон Тожибоев, Қува тумани суғуртачиси Ёқиддин Туҳанов, Бағдод тумани суғуртачиси Эркин Раҳимов, Ўзбекистон туманидаги Султонмурод Исомиддинов намунали меҳнат қилаётирлар.

Р. МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Пойтахт вилояти галлакорлари ўрим-йиғимни қизғин давом эттирмоқдалар. Тошкент туманидаги Турғун Мирзаев номли жамоа хўжалигида ҳам ҳар дақиқадан унумли фойдаланилиб, мўлжалдаги ҳосил йиғиштириб олинаяпти. Комбайнчи Темур Маҳкамов ишда ҳамкасбларига ўрнак бўлаяпти. Илғор техника жиловкори Бўстонлиқ туманидан ёрдамга келган.

Суратда: моҳир комбайнчи Темур Маҳкамов.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Банк тизимида ислоҳот қандай бормоқда?

«Тадбиркорбанк»нинг Қашқадарё вилоят бўлимида кейинги вақтда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатишга ихтисослашган мазкур муассасада хизмат кўрсатиш маданияти ошиб боряпти. Замонавий компьютерлар ўрнатилгач, тўловларни амалга ошириш тезлашди. Вилоят миқёсида пул ўтказиш узоғи билан бир кунда, республикада эса икки кунда амалга оширилмоқда. Энг муҳими, мижозлар кўрсатилаётган хизматдан мамнунлиги туфайли уларнинг сони ошиб боряпти. Қуйида амалга оширилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизмат такомиллашиб, унинг турлари кўпайиб бораётганлиги, хуллас, банк тизимида иқтисодий ислоҳотларнинг қандай амалга оширилаётгани тўғрисида ҳикоя қилинади.

ТАДБИРКОР МАДАДКОРИ

Вилоят банкининг ташкил топганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да, унинг мавқеи вилоятдаги банклар орасида ошиб бораяпти. Айниқса, хизмат кўрсатиш маданияти яхшиланиб, унинг турлари кўпайиб, такомиллашиб бораётганлиги мижозлар томонидан эътироф этилмоқда.

Айни пайтда молия муассасаси 4924 тадбиркорга хизмат кўрсатаяпти. Улар билан яхши алоқа ўрнатилганлиги, намунали хизмат кўрсатилаётганлиги, уз вақтида кредитлар ажратилаётганлиги боис халқ истеъмоли моллари кўпайиб бормоқда. Буни бозорларда ва дуконларда бўлган киши сезиши мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўтган беш ойида «Ғунча», «Шуҳрат», «Шоҳрух» савдо фирмалари маҳсулот олиб келиш, бозорни тўлдириш мақсадида банкдан қисқа муддатли имтиёзли қарз олишди. Улар ҳозиргача бир неча турдаги озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари олиб келиб, бозорларда маҳсулот сероб бўлишига ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар. Шу билан бирга олинган кредит ҳам ўз вақтида қайтарилди.

Банк жамоаси деҳқон (фермер) хўжаликларига ҳам намунали хизмат кўрсатаяпти. Айни пайтда мижозларнинг 25 фоиздан зиёди уларни ташкил қилади. Ўтган йилнинг ўзида бундай қишлоқ тадбиркорларига 6 миллион 229 минг сўм кредит берилди. Натижада улар ўз фаолиятларини янада кенгайтириб, иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлишди. Шу боис маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам силжиш кўзга яққол ташланаяпти. Мулкдорлар ўтган йили 5375 тонна пахта, 7044 тонна галла, 622 тонна полиз маҳсулотлари, 1639 тонна мева, сабзавот, 753 тонна гўшт, 16507 тонна сут топширишди.

Жорий йилнинг беш ойи мобайнида ҳам уларга алоҳида эътибор берилиб, уз вақтида кредит ажратилди. Маблағ сўраб банкка мурожаат қилган бирорта ҳам фермернинг аризаси жавобсиз қолмади. Олинган кредит миқдори 776 минг сўмни ташкил қилди. Ҳозир деҳқон (фермер) хўжаликларининг иқтисодий аҳволи мустаҳкамланиб бормоқда. Уларга алоҳида эътибор берилаётганлиги, молиявий томондан қўллаб-қувватланаётганлиги боис фермерларнинг сафи банкда кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўзида мижоз сифатида улар 83 тага ошди.

— Мақсадимиз мижозларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатишдир, — дейди вилоят банки бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Одилжон Тиловов. — Бу борада бирмунча ишлар амалга оширилди. Ҳозир тўловлар электрон почта орқали юборилмоқда. Хизмат кўрсатиш маданияти ҳам такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга мижозлар билан яқин алоқа ўрнатилган. Улар бизга исталган молиявий муаммо билан мурожаат қилишлари мумкин. Шу боис мижозлар сони ўсиб бораяпти.

Нақд пул тушуми режалари ҳам муттасил бажариб келинмоқда. Жорий йилнинг беш ойида 183 миллион сўмга яқин касса режаси белгиланган эди. Бу кўрсаткич 207 миллион 272 минг сўм қилиб уддаланди. Шу боис мижозларга нақд пул беришда ҳеч қандай муаммо бўлмаяпти. Бундай муваффақиятга банк ходимларининг жойларга бориб текширишлар ўтказаётганлиги туфайли эришилаяпти.

Банкнинг вилоятда 13 та бўлими мавжуд. Энг узоқ туманлардаги тадбиркорлар ҳам унинг хизматидан баҳраманд бўляпти. Кейинги йилларда тадбиркорлар бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишмоқда. Ижобий ўзгаришларни халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида кўриш мумкин.

Масалан, умумий овқатланиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни олиб қарайлик. Кейинги вақтда ишбилармонлар томонидан ўнлаб чойхоналар очилди. Бундай шохобчаларнинг очилиб, одамларга намунали хизмат кўрсатишда, табиийки, банкнинг ҳам ҳиссаси катта.

— Ҳаётимизда тадбиркорларнинг ўрни ниҳоятда катта, — дейди банкнинг бош ҳисобчиси Ҳамза Норов. — Вилоятда кейинги пайтда мулкдорлар сафи анча ошди. Бундай ижобий ўзгаришларни вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлаб турибди. Ишнинг қўзини биладиган, ҳақиқий уддабурон одамлар халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида кенг фаолият билан иш юритишяпти. Жамоамиз шундай фидойи одамларга хизмат кўрсатаётганлигидан мамнун. Шу билан бирга уларга турли хил маслаҳатлар бериш ҳам йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, молиявий муассасада хизмат турлари кўпайиб бораяпти. Мижозларнинг хоҳишига кўра уларнинг иқтисодий аҳволи таҳлил қилиб берилади. Шунингдек, аҳолининг ортиқча пулларини қабул қилиб, уларни сақлаб, фоиз ҳисобига кўпайтириб бериш ҳам йўлга қўйилган. Ҳозиргача шу усулда одамлардан 801 минг сўм қабул қилинди.

Дебитор-кредитор қарзларини бартараф этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада иш режаси тузилган бўлиб, шунга асосланиб ягона молиявий кунлар ташкил қилиняпти. Қўрилаётган чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бераяпти.

Банк вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаяпти. Масалан, 1993 йилдан бошлаб ўз маблағлари ҳисобига акция чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозиргача 7 миллион 818 минг сўмлик қимматбаҳо қоғозлар мулк эгаларига сотилди. Акция эгаларига эса дивидендлар ўз вақтида тўланаяпти.

Хуллас, «Тадбиркорбанк»нинг Қашқадарё вилоят бўлимида амалга оширилаётган ишлар шу куннинг талабига жавоб беради. Тадбиркорларга намунали хизмат кўрсатилиб, уларга етарлича шарт-шароит яратилаётганлиги боис маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. Бунда, табиийки, банк жамоасининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ФЕРМЕРЛАРИ

киши мавсум даврида олинади. Бошқариш (иш юритиш) аппарати эса 6 киши. Ишчиларнинг йиллик маоши 20-25 минг АҚШ долларига тўғри келади. Умумий иш ҳажмининг 7 фоизи химикатлар, 20 фоизи ўғит келтириб бериш, қолгани эса шартнома орқали дала ишларини бажариш билан боғлиқ.

Бир йилда 13 минг акр майдонда иш олиб борадилар. Бажарилган иш ҳажмига ёки етказиб берилган ўғит ва химикатларга тўловлар 10 кундан 30 кунгача булиши шарт. Агар тўловлар 10 кунгача тўланса 5 фоиз чегирилади. Агар тўловлар 30 кундан ошиб кетса, ҳар ойига 18 фоиз қўшимча пения белгиланади. Бундай тартиб тўловларнинг ўз вақтида бўлишини таъминлайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир фермернинг шахсий компьютери бўлиб, у маҳсулот сотиб олувчи ва фермер учун хизмат кўрсатувчи компаниялар, банклар ва ахборот маркази билан бевосита боғланган. Фермер компьютер орқали барча маълумотга эга. Айниқса, нарх-навонинг ўзгариб боришига фермер катта эътибор қаратади. Сотадиган маҳсулотини қимматроқ сотишга ва сотиб оладиган маҳсулотини арзонроққа олишга ҳаракат қилади у. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи (сервис) ташкилотларининг тарифлари ҳам эълон қилиб борилади. Шунга қараб фермер кимнинг хизматидан фойдаланиш маъқул эканлигини компьютер орқали аниқлаб олади.

Биз Рональдникида бўлган даврда у икки маротаба молларини гўшт комбинатига сотди. Бир маротаба 180 бош, иккинчи маротаба 80 бош. Қизиқарли томони шундаки, бу молларни Рональд махсус бўлимга ажратиб қўйди. Юқорида айтганимиздек, юк машиналари келиб 15 — 20 минут ичида юклаб олиб кетди ва ўзи олиб бориб гўшт комбинатига топширди. Фермер кечқурун ўз компьютери орқали топширилган молларининг сўйилган вазни қанча булганлигини, гўштнинг сифати қандай белгиланганлиги ва унинг нархи қанча эканлигини билиб олди. Эртаси куни гўшт комбинатидан чекни олиб банкка топширди. Банк компьютерида ҳам Рональд сотган гўштнинг нархи аниқ қўрсатилиб турарди.

Биз юқорида сервис хизмати ҳақида гапирганда, банклар томонидан кўрсатиладиган хизмат ҳақида ҳам сўзлаб ўтган эдик.

Фермер барча тўловларни хоҳласа нақд пул орқали, хоҳласа чек орқали олиб боради. Банклар сонининг кўплиги ҳар бир банкни иложи борича фермерга яхши хизмат кўрсатишга ундайди. Чунки фермер бирор банк хизматидан норози булса, ўз ҳисоб рақамини дарҳол бошқа банкка ўтказиши мумкин. 20 минг аҳоли яшайдиган кичкинагина Окланд шаҳрининг ўзида бир неча банк мавжуд. Ёки Небраска штатининг Омаха шаҳрида эса (бу шаҳар штат маркази эмас, штат маркази Линкольн шаҳри) 400 дан ортиқ банклар ишлаб турибди. Фермернинг банкдаги маблағи йилига 3 — 3,5 фоиз қўшилиб боради. Фермер ўз маблағининг бир қисмини икки йилга қўйиши мумкин, бу ҳолда йиллик қўшимча 6 — 6,5 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари фермер хоҳлаган банкдан кредит олиши мумкин. Кредит миқдори уни қайтариш имкониятига қараб белгиланади ва бир йилга ўртача 7 — 8 фоиз билан берилади. Фермернинг йиллик ўртача соф даромади 35 — 45 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Ер майдони ва боқаётган моллари сони кўпроқ бўлган фермерлар йилига 500 — 600 минг доллар соф даромад оладилар. Солиқларнинг умумий ҳажми йиллик даромаднинг 30 фоизини ташкил қилади ва албатта фермерлар солиқ миқдори кўплигидан шикоят қилишади.

Баъзи бир сабаблар (табиий офат, қурғоқчилик ва ҳоказо) натижасида фермер даромад олмаган бўлса, у даромад солигидан озод қилинади. Фермер бошқа тўловлардан озод қилинмайди.

Кези келганда, фермерларга хизмат кўрсатишнинг янги бир тури ҳақида гапирмоқчимиз. Маълумки, ҳамма ҳам қарийди ёки фермерлик ишларини билмаслиги, бунинг устига фермерлик билан шуғулланишни хоҳламаслиги мумкин. Шундай фермерларнинг ишини енгиллаштириш ва уларга ёрдам бериш мақсадида махсус миллий фермерлар Ассоциацияси тузилган. Омаха шаҳрида шундай ассоциация президенти жаноб Ричард Хан ва шу ассоциация вице президентлари билан учрашдик. Бу ассоциация 1929 йилда тузилган ва бугунги кунда АҚШнинг 22 штатида иш юритади. Олиб бораётган ишлари тўрт йўналишдан иборат, булар: ферма ишларини бошқариш, фермаларни сотиш ва сотиб олишга кўмаклашиш; фермада етиштиралаётган маҳсулотни ва даромад ҳисоб-китобини қилиб бориш; ҳосилни аниқлаб суғурта қилиш ва уни сотиш. Америка фермерларининг 40 фоизи ферма ишларини ўзлари бошқармайди ва ассоциация менежери (ассоциация томонидан тайинланадиган ферма ишларини бошқарувчи) хизматидан фойдаланадилар. Шунингдек, фермаларга қарашли ерларнинг 11 фоизини баъзи йирик компаниялар олиб, улар ҳам менежерлар хизматидан фойдаланадилар. Менежерлар ўз навбатида операторларни (ерни ижарага олиб ишловчилар) танлаб фермер ва операторлар ўртасидаги шартномани тузадилар. Омаха шаҳрида 70 менежер, салкам 5 минг оператор бўлиб, улар 3500 ферма ишларини бошқаради ва олиб боради. Бу менежерларнинг ҳар бири 60 — 80 фермер ёки 14 минг акр ерда экиш-тикиш ишларини бошқаради.

Окланд шаҳрида шундай менежерлардан бири Боул Густмон билан учрашдик. Боул 60 ёшларда бўлиб, кўп йиллардан бери менежерлик қилади. Юқорида айтганимиздек, менежер операторларни топади ҳамда фермер ва оператор ўртасидаги шартнома тузилишини ташкил қилади. Шартномалар асосан 1 мартгача тузилиб бўлиши керак. Шартномага асосан етиштирилган ҳосилнинг 50 фоизини фермер ва 50 фоизини оператор (ижарачи) олади. Ассоциация ер эгаси — фермернинг ҳиссасидан 8 — 10 фоизини олади ва менежерга шу ҳисобдан маош тўлайди. Менежер маоши у хизмат кўрсатаётган фермерлар сонига қараб белгиланади. Оператор (ижарачи) ўз ҳиссасидан ижара ҳақи тўлайди. Оператор барча дала ишларини уларнинг техникаси билан бажаради. Менежернинг вазифасига экин турларини ва қўлланиладиган технологияни белгилаш, йиллик фермер бюджетини ҳисоб-китоб қилиш, ҳар ойда фермерга сарф-харажатлар ва даромад ҳақида ҳисобот бериб туриш киради. Иш якуни бўйича солиқ тўловлари ҳисоб-китобларини ҳамда харажат ва даромад ҳисобини тайёрлаб боради. Шунингдек, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ерларнинг бузилишга йўл қўймаслик ҳам менежернинг вазифасига киради. Менежерлар бошқараётган фермалар маҳсулотини сотиб бериш вазифасини ассоциация ўз зиммасига олган.

Фермернинг ўртача бир йиллик соф даромади ферма нархининг ўртача 6 — 8 фоизини ташкил қилади.

Ҳозирги кунда фермер бўлишни хоҳламаган ва шаҳарларда ишлаётган, аммо ота-боболардан мерос қолган фермалари бўлган ёшлар юқоридаги усулда фойдаланмоқдалар. Бу ҳам фермаларга сервис хизмати кўрсатишнинг бир йўли.

Небраска штатининг жанубида йиллик ғўзачилик миқдори 400 ммдан кам бўлган майдонлар ҳам мавжуд. Бундай майдонларда бўғдой икки йилда бир марта экилади. Бир йил биздаги лалми ерларда қора шудгор қилингани каби ернинг нам тўплаши учун қолдирилади. Шундай қилинганда сарф-харажатлар кам бўлиб, олинадиган ҳосил ўзини ўзи қоплайди. Бу тажрибадан бизда лалмикор ерларда қўлланилса бўлади, чунки баъзи лалмикор ерларимизнинг ҳосилдорлиги 3 — 4 ц. дан ошмайди. Кўпинча харажатларни қопламайди. Шунинг учун ҳар қандай экин экишда аввало унинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобланса яхши бўлар эди. Шунингдек, фермернинг хоҳишига қараб ерларни консервация қилиш, яъни бир йилдан 5 йилгача экин экмасдан қолдириш дастури ҳам бор. Бу давлат дастури ер унумдорлигини қайта тиклашга қаратилган. Шунинг учун ҳам консервация қилинадиган ер давлат дастурига киритилган бўлиши шарт. Дастурга киритилган ернинг экин экилмаган даври учун фермерга давлат томонидан товон бериб турилади.

Фермерлар маҳсулотини олдиндан сотиш тажрибаси ҳам кенг қўлланилади бу ерда. Жумладан, макка дони ёки сояни экиб ундириб олганидан сўнг булажак харидорлар билан шартнома асосида шартнома тузилаётган кундаги нарх билан сотишга келишиб олинади. Бундай шартномалар вегетация даврида фермерларни зарур маблағ билан таъминлаб туриш имконини беради.

Америка фермерларининг муваффақият омилларидан яна бири — бу уларнинг доимо фан ва техника ютуқларидан унумли фойдаланиши деб айтиш мумкин. Биз бунга Омаха ва Линкольн шаҳарларидаги университетлар ишлари билан танишиб амин бўлдик. Жумладан, Омаха университетининг «Халқаро тажрибалар ва дастурлар» факультети декани Томас Гуттер фермерлар билан уларнинг бошқа штатлар ва бошқа мамлакат фермрерлари билан алоқасини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича катта иш олиб боради. Бу университет фермерларнинг сервис хизмати кўрсташ компаниялари билан алоқалари, маҳсулот сотиш ва маҳсулот сотиб олишдаги ҳуқуқий ҳамда иқтисодий масалалар бўйича фермерларга ёрдам беради ва фермерлар билимини ошириш борасида иш олиб боради. Университетда дунёнинг кўп мамлакатларидан талабалар бор. Шу жумладан мамлакатмиз фуқароларидан тўрт киши ўзларининг билимларини оширмоқдалар. Университет раҳбари биз билан алоқаларни кенгайтиришга тайёр. Улар биргалашиб фермерлар укишини ташкил қилишга, биздан 8 — 10 фермер 2 — 3 ойга АҚШга боришини, улардан ҳам шунча фермерлар бизларга келишини ташкил қилишга розилик билдирдилар. Университет фермерлардан ташқари барча фермерларга хизмат кўрсатувчи — фермерлар маҳсулотини сотиб олувчилар ва фермерларга маҳсулот сотувчилар билан иш олиб борадилар.

Шунингдек, шаҳардаги Небраска университетида ҳам бўлдик. Бу университет фермерлар билан икки йўналишда илмий изланишлар олиб боради ва фермерларга ёрдам кўрсатади. Жумладан, фермерлар суғурта дастурини олайлик. Бу дастур фермерларнинг ерлари, мулклари, ҳосили ва даромадини муҳофаза қилишга, фермер маҳсулотининг нарх-навоси, фермерлар билан давлат орасидаги муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган. Иккинчи дастур деҳқончиликда ва чорвачиликда технологик жараёнларни такомиллаштириш, фан-техника ютуқларини фермерларга етказиш ва фермерлар ишларини илмий асосда ташкил қилишга қаратилган. Дарҳақиқат, фермерлар иши билан чуқурроқ танишар эканмиз, уларнинг барча ишларини илмий асосда ташкил қилишларига ва ишларни илм билан боғлаб олиб боришларида катта ҳикмат борлигига яна бир бор ишондик.

Фермер баҳорда экин экиш олдидан келаётган йил қандай бўлиши, қайси экинлари яхши ҳосил бериши ва нарх-наво қандай ўзгариши мумкинлигини аниқ ўрганиб, сўнгра иш бошлайди. Экинларнинг турини танлашда ва экишда шошма-шошарлик билан эмас, об-ҳаво шароитига қараб бошлайди. Қўл меҳнати сарфини ниҳоятда камайтириб ва барча ишларни механизациялар зиммасига юклашга ҳаракат қилади. Экинларни танлашда ихтисослашга катта эътибор беради, соҳаларнинг ниҳоятда кам бўлиши бир ёки икки хилдан ошмаслигига ҳаракат қилади. Механизация билан химизацияни бирга олиб бориб, бу жараёнлар муҳит экологиясига зарар етказмаслигига қаттиқ риоя қилади. Ҳисоб-китоб ишларида ҳар бир долларига доллар қўшилиши, ишда фермaнниг рентабеллик билан ишлаши бош мезон ҳисобланади. Агротехник тадбирларда илмий тавсияларга ниҳоятда қаттиқ риоя қилишади.

Американинг шароити ўзига хос, аммо уларнинг иш юритишдаги кўпгина тажрибаларни ўрганиш ва жорий қилиш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Р. ҲУСАНОВ,
академик.

Вилоят газеталари саҳифаларида

ХЎЖАЛИК ҲИММАТИ

«НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ». Бозор шароитида тиббиёт тизими шохобчаларида ҳам муаммолар етарли эканлиги сир эмас. Дори-дармон, тиббиёт ускуналари таъминотида анчайин қийинлашди. Шу боис муаммоларни ҳал этиш учун Наманган вилоятида ташкилот ва жамоа хўжаликлари шифохоналарни ўз оталиқларига олмоқдалар. Наманган туманидаги «Олтин қаҳрамон» жамоа хўжалиги маъмуриятининг ташаббуси бу ўринда диққатга сазовордир. Яқинда мазкур хўжаликда савобли ишга қўл урилди. Вилоят ўсма касалликлари шифохонаси ҳисобига 60 минг сўм пул ўтказиб берилди. Натижада қўшгина дори-дармонлар сотиб олиш имконияти яратилди. Бундан ташқари шифохона ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш масаласида ҳам қўмаклашилмоқда. Хўжалик 400 килограмм ёғни нисбатан арзон нархда келтириб сотди.

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ». «Бўстон» маҳалласи Гулистон шаҳридаги аҳолиси зич жойлашган ҳудудлардан. Бу ерда 2085 оила истиқомат қилади. Жами аҳоли сони 6061 кишини ташкил этади. Маҳаллага Абдулла Болтабоев бошчилик қилади. Унинг елиб югуриши туфайли кўчалар обод ва кўркам бўлиб бораётир. Кам таъминланган оилалар иқтисодий томондан ҳимояга олинган. Маҳалла фаоллари тез-тез аҳоли билан учрашиб одоб-ахлоқ мавзуида суҳбатлар уюштирмоқдалар. Ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам ижобий ҳал этилмоқда. Натижада маҳалла- кўй ўртасида ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат кучайиб бораётир.

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ». Чирчиқда аҳолини муҳим иш билан таъминлаш масаласига катта эътибор берилмоқда, деб ёзади Собир Ҳамидов. Бундай хайрли ишда махсус дастурга қатъий амал қилинмоқда. Унда жорий йилнинг биринчи ярмида 926 та ишчи урини очиш режалаштирилган эди. Шаҳар ҳокимлигининг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кўрган чоралари туфайли режа анча зиёдаси билан бажарилди. Якун бўйича янги барпо этилган иш ўринлари 968 тага етди. Бу ишга нодавлат секторидаги корхоналар салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларда 771 та ишчи ўринлари барпо этилди. Шу туфайли минг нафарга яқин чирчиқлик ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилди.

КЎРГАЗМАДА ВОҲА ЖИЛОСИ

«СУРХОН ТОНГИ». Вилоят ўлкашуносслик музейи ташаббуси билан Термиз суратлар галереясида санъат намунаси кўргазмаси ташкил этилди. Томоша залларида воҳадаги мусаввирлар Р.Чориев, И.Хизченко, Т.Ўроқов, Д.Йўлдошева, Ш.Қўзиеваларнинг мўйқаламига мансуб асарлар тавсия этилган. Шунингдек М.Есин, Ў.Тансиқбоев, Зельберман сингари таниқли рассомлар ижоди намуналари ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдиряпти. «Қўриқ ер (М.Есин), «Сангардакда куз» (И.Хипченко», «Зуҳра» (Р.Чориев), «Тоғда тун» (Ў.Тансиқбюоев), «Шаҳарлик келин» (Д.Йўлдошева) сингари суратларга юқори баҳо берилди.

Кўргазмада халқ амалий санъати намуналари, миллий каштачилик, сопол буюмлари, воҳа кулолчилиги мактаби ижодкорлари ишлари ҳам муносиб жой олган.

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗ

«АНДИЖОННОМА». Олдинлари қишлоқ қучаларида почта қутилари кўп бўларди, — дея таъкидлайди жамоатчи мухбир Ж.Турдиев. — Эндиликда улар негадир йўқолиб кетди. Ҳатто шаҳарларда ҳам камайиб бормоқда. Андижон шаҳридаги Янгибозорнинг шундоқ ёнида 88-почта жойлашганди. Мана бир йилдирки, аҳоли гавжум бўлган жойда у ишламай қўйди. Темирйўл шоҳ бекатидаги хат, бандерол қабул қиладиган почта 8 ойдан буён ишламайди. Шу боис аҳоли сарсон бўлмоқда. Вилоят ва шаҳар алоқа бўлими раҳбарлари инсон манфаатлари йилида бу муаммони ҳал этишга жиддий киришсалар айни муддао бўларди.

«ХАЛҚОБОД» ГИЛАМИ

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигида гилам тўқиш цехи ишга тушди. Бу ерда хилма-хил рангли гул солинган, бадиий жиҳатдан юксак баҳоланган гилам тўқиш қисқа муддатда ўзлаштирилди. «Халқобод» гиламлари дўконларда туриб қолаётгани йўқ — ҳозиргача 150 минг сўмлик гилам сотилди.

Янги цех хўжалик учун қўшимча даромад манбаи бўлибгина қолмай, кўплаб уй бекаларини доимий иш билан таъминлади ҳам.

«ШИФОБАХШ БУЛОҚ» НЕЪМАТИ

Айни саратон кунларида бир пиёла муздай маъданли сув киши танини яйратади, инсонга тетиклик бахш этади. Пойтахтдаги «Шифобахш булоқ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси буни ҳисобга олиб, истеъмолчиларга ҳар кеча-кундузда 300 минг шишадан кўпроқ «Шифобахш булоқ» ва «Тошкент минерал суви» етказиб бермоқда.

Салкам бир минг 600 метр чуқурликдаги ер ости булоғи суви махсус қувурлар орқали корхонанинг компрессор цехига узатилмоқда. Бу ерда у совутилиб, турли чўкмалардан холи қилингач, углекислород гази аралаштирилган ҳолда чиройли ёрлиқ билан безатилган рангба-ранг қопқоқли шишиларга қуйилмоқда. Таркиби сульфат-хлорид, натрий-гидрокарбонат ва кальций натрий сингари фойдали маъданларга бой ушбу сувга талаб кун сайин ортмоқда.

(ЎзА).

Маънавиятимиз сарчашмаси

ҚИЛОЛ

Тупроқни ҳам жони бор, деган иборани ҳар гал эшитганимда кўз ўнгимда табиат мўъжизалари намоён бўлаверади. Ям-яшил дов-дарахтлар, турфа гиёҳлар, бир-биридан ширин мевалар, ҳамма-ҳаммаси тупроқ ва унинг биологик хусусиятлари туфайли ривожланади. Лой эса шу тупроқ бирикмаларидан ҳосил бўлади. Ҳунармандлар унга ишлов бериб, мўъжиза яратади. Ана шундай Узбекистон нуфузини юксакларга кўтаришга ўз ҳиссасини қўшаётган фидойи қулоллардан бири Маҳмуджон Мамажоновдир.

Маҳмуджон ака болалигидан ҳунармандчилик санъатига қизиқиши кучли эди. Чунки боболари Мамажон домла уста ҳаттот бўлиб, китоблар муқоваларини безар, чиройли нақшлар ҳам чизарди. Отаси Тожибой уста деҳқон бўлиши билан бирга тегирмон ва обжувозларни созлайдиган уста ҳам эди. Онаси Ҳалима буви қўлгул тикувчи ва попопчилик ҳунарини эгаллаган чевар аёллардан эди. Шу боис Маҳмуджон ака боболари меросига таянган ҳолда, туғма истеъдоди таъсирида қулолчиликка меҳр қўйди. У ижодий фаолиятини 1972 йиллан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти бадиий графика факультетининг 2-курсида таҳсил олаётган даврида бошлади. Институтнинг сиртқи бўлимида ўқиш билан бирга Узбекистон Рассомлар уюшмасига қарашли М. Раҳимов номидаги Тошкент амалий санъат ижодий тажриба комбинатида ишлаб, 1975 йилдан Болгария, Руминия, АҚШ, Германия, Чехия, Словакия, Франция ва бошқа хорижий мамлакатларда ташкил этилган қатор бадиий кўргазмаларда ўз асарлари билан иштирок этди.

У яратган санъат асарлари халқимиз ҳунармандчилик маҳорати намунаси сифатида маъмурий иншоотларни безади. Шулар жумласига ТошМИ 1-клиникасининг фойесига, Алишер Навоий номидаги кутубхона пиллапоя майдонига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кичик залига ва Каттақўрғон пахта тозалаш заводи, Ҳазорасп пахта заводи санаторияларига ишланган бир неча безакли гулдонларни (композицион кашпо) санаб ўтишимиз мумкин.

Маҳмуджон ака ўз фаолиятида ота-бободаримизнинг анъаналарини-кулолчилик сирларини чуқур урганиб, ўзига хос ижодий йўлдан борди. Буни Андижон вилояти Булоқбоши тумани Жўраполвон Ғоипов номли хўжалик музейига ишланган безакли лаганлар туркумида ҳамда Тошкент метрополитенининг «Ойбек» бекати устунлари безакларида ҳам кўришимиз мумкин.

Маҳмуджон ака тинимсиз ижодий изланади. Мустақиллик байрами ва «Навроз» тантаналарида «Она замин», «Ё, Оллоҳ», «Ота рози-худо рози», «Кулол ҳаёллари», «Жаннат оналар оёғи остидадир» каби ижодий ишлари билан мунтазам қатнашиб келмоқда. Шу билан бирга Алишер Навоийнинг 550 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланган кўргазмаларда ҳам ўз асарлари билан иштирок этди. 1997 йили «Турон» банки учун 4 та композицион устун ва безакли фаввора буюртмасини муваффақият билан тугатиб берди.

Маҳмуджон акага кулолчилик санъати мактабингизни сири нимада, деган саволимизга шундай жавоб қилди.

— «Гамма» — ранглар уйғунлиги, мутаносиблигидадир. Мен ҳар вақт учун уч хил ранг: мовий, яшил ва тилла ранглардан фойдаланаман. Бунинг сабаби мовий ранг—дунёни забт этиш, яшил ранг — ёшлик ва саломатлик, тилла ранг—маънавий бойлик—шулар уччаласи жамланганда ҳаммани лол қолдирувчи мўъжиза яратилади. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, уста ҳар ишига ўз қалбини тулатўкис бера олиши, қилаётган ишининг халқига, миллатига дахлдорлигини бутун вужуди билан ҳис эта олиши керак. Шунинг учун ҳам мен ҳар бир ишимни қалбимни бир булаги деб ҳисоблайман.

Ҳозирги кунда ҳар бир ҳунармандннинг иши тақдирланиб, қадимги қошинкорлик, меъморчилик ёдгорликларини тиклашда қадри ошиб бормоқда. Ҳунармандлар қаторида мен ҳам бор маҳоратимни ишга солиб мустақил Узбекистонимизни гуллаб-яшнаши учун қўлимдан келганича ҳиссамни қўшиб келмоқдаман, қолаверса ўтилларим ҳам кулолчилик ва нақкошлик ҳунарларини мукаммал эгаллаб, бобомерос касб ворислари бўлишни мақсад қилганлар. Ютуқларимиз қаторида эриша олмаган юмушларимиз ҳам борки, уларни албатта эгаллашимиз зарур. Энг асосийси қошинкорлик, меъморчилик ёдгорликларини тиклаш учун манба яратилди. Ҳунармандларга яратилган шароитдан фойдаланиб, лойни қайта ишлайдиган янги ускуналар яратиш ниятидамиз. Фурсатдан фойдаланиб, шуни айтмоқчиманки, кулолчилик касбимдан жуда фахрланаман. Ҳунарим орқали жаҳонга таниляпман.

Ҳа, Маҳмуджон ака Мамажонов кулол-уста, моҳир педагог, фаол жамоатчи сифатида халқ орасида обрў-эътибор топган инсон. Ҳозирда у Узбекистон Рассомлар уюшмаси Тошкент амалий санъат ижодий тажриба комбинатида кулолрассом бўлиб ишлаб келмоқда ҳамда Узбекистон бадиий Академияси қошидаги «Ижодкорлар уюшмаси»нинг Халқ амалий санъати бўйича шуъба раиси ҳамдир.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

* * *

Суратда: кулол М.Мамажонов оиласи даврасида.

БАРДАМЛИК ВА САЛОМАТЛИК КЎРИГИ

Турли спорт тадбирларини эл-юрт саломатлиги қай аҳволда эканини яққол кўрсатувчи кўзгуга қиёс қилиш мумкин. Шу боис ҳам мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари иштирокида кўплаб мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Август ойининг иккинчи ўн кунлигида Косонсойда ўтадиган қишлоқ хотин-қизларининг навбатдаги спартакиадаси шундай баҳслар жумласидандир.

Шу муносабат билан биз спартакиадани уюштириш ташкилий қўмитаси ҳамраиси, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси раиси Т. Ҳ. СОБИТОВ билан учрашиб, қатор саволларга жавоб беришни сўрадик.

Спорт

— Тўлқин Ҳамидович! Қишлоқ хотин-қизлари навбатдаги спартакиадасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нима?

— Маълумки, республикамиз раҳбарияти соғлом авлодни камол топтириш вазифасини турмушимизнинг устивор йўналишларидан бири қилиб белгилаган. Шунга мувофиқ республикамизда, шу жумладан қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан қўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига оммавий тарзда жалб қилиш ишлари ҳам ушбу тадбирлар сирасидандир.

Спартакиада ушбу йўналишда олиб борилаётган фаолиятимизнинг ўзига хос кўриги бўлади, деб ўйлаймиз. Бундан ташқари, 1997 йил инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган экан, инсон саломатлигини мустаҳкамлашга оид тадбирлар ҳам кенг қулоч ейиши турган гап.

— Спартакиада дастуридан спортнинг қайси турлари жой олган?

— Илгарилари танланган спорт турлари қатнашчиларининг хоҳиш-майли, мижозига мос келадими йўқми, унчалик бош қотириб ўтирилмасди. Тепадан берилган кўрсатма асосида иш тутилардик. Биз бундай кўр-кўрона иш услубидан воз кечиб оммабоп, хотин-қизлар таъбига мос спорт турларини танладик. Булар волейбол, стол теннниси, енгил атлетика, шахмат, шашка, балли қизлар танлови ва катта теннисдир.

Катта теннис бўйича баҳсларнинг мусобақа дастурига киритилиши боиси шундаки, спортнинг бу тури кейинги икки-уч йил ичида мамлакатимизда оммалашиб қолди. Тўғри, ҳозирча хотин-қизлар ўртасида унинг етук вакиллари оз. Лекин тажрибали устозлар қўлида сабоқ олаётган ёш қизчалар талайтина. Ўйлаймизки, яқин келажакда булар нафақат республикамиз, балки жаҳон миқёсида ўлкамиз довруғини оламга таратишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

— Финал баҳсларини ўтказиш учун Косонсой танланиши боиси нимада?

— Кейинги пайтда жойларда жисмоний тарбия ва спортга эътибор ортганлиги қувончли ҳолдир. Буни республикамиз раҳбариятининг аҳоли ўртасида соғломлаштириш юзасидан белгилаётган кенг қуламли чоратадбирлари самараси деб қарамоқ жоиз. Шунинг учун ушбу мусобақаларни утказиладиган жойни танлашда деярли қийинчилик тўғдирмади. Аксинча бошқа даъвогарлар ҳам бор эди. Лекин биз Косонсойни танладик. Сабаби: туман ҳокими Тоҳирахон Маризаева, Наманган вилояти ҳокими муовини Дилшода Дадажонова, умуман вилоят мутасаддилари спартакиада баҳсларини қўнгилдагидек ўтказишга бош-қош бўлмоқдалар. Бунинг учун шароит етарлидир.

Бундан ташқари Узбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Узбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Узмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси, ёпларнинг «Камолот» жамғармаси, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси, касаба уюшмалари «Узбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ҳам мусобақаларга тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан ёрдам кўрсатишаётгани таҳсинга лойиқдир.

— Тўлқин Ҳамидович! Фурсатдан фойдаланиб яна бир саволга жавоб берсангиз: қишлоқ жойларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳволи давр талабларига жавоб берадими?

— Ҳа, жавоб беради, десак ҳақиқатга зид гапирган бўламиз. Лекин кейинги икки-уч йил ичида жонланиш яққол кўзга ташланади. Ҳолбуки, тўрт-беш йил аввал аҳвол ташвишланарли эди. Лекин соғлом авлодни камол топтириш масаласи кун тартибига жиддий тарзда қўйилганлиги, бу нарса республикамиз раҳбарияти томонидан назорат қилинаётганлиги ўз самарасини кўрсатмоқда. Эндиликда бирор спорт тадбирларини ўтказиш таклифидан энсаси қотадиган раҳбарлар қолмади ҳисоб.

Тўғри, кўп нарса маблағ масаласига бориб тақалаяпти. Аммо ташаббускор раҳбарлар маблағ ҳам, фурсат ҳам топиб соғломлаштириш ишларини давр талабига мос даражага кўтариш учун саъй-ҳаракатларини аяшмаяптики, бу истиқболга ишонч билан боқишга имкон беради. Зеро, жамики ишларимизнинг пировард-натижаси эл-юрт саломатлигию фаровонлигини таъминлаш эмасми?

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ҳам шундан келиб чиқиб жойларда спорт-соғломлаштириш ишларини янада жонлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга қаракат қилмоқда. Шу мақсадда Фарғона ва Наманган вилоятларида яна иккита спорт мактаби очишга қарор қилинди ва тегишли маблағ ажратилди. Бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириш ниятидамиз.

— Жисмоний тарбия ва спорт шахсий ҳаётингизда қандай аҳамиятга эга?

— Ашаддий спортчиман десам, лоф бўлар. Лекин талабалик йиллари гимнастика билан жиддий шуғулланганман, футбол ўйнаганман. Кейинроқ катта теннисга қизиқиб қолганман. Ҳозир ҳам кундалик жисмоний тарбия машқларини канда қилаётганим йўқ. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб дадил айта оламанки, машғулотларга кўнгил қўйган инсон ютса ютадики, асло ютқазмайди. Ахир ҳар доим узини бардам сезиб юришга нима етсин?

Косонсойда ўтадиган қишлоқ хотин-қизлари спартакиадаси қатнашчиларини ҳам улуғ туйғуга ошно қилишга эришмоқ асл муддаомиздир.

Сухбатдош Ш. АЛЛАМОВ.
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ҳар тўғрида

ЭСНОҚ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?

Париждаги Сент-Антуан шифохонаси профессори Шуар эсноқ ҳолатларини обдон урганиб, уни танага лаззат бағишлайдиган жараёндир, деган хулосага келди.

Зотан, эснаш пайти танадаги аксарият мушаклар тортишиб ёзилишади. Бундан киши роҳатланади. Баъзилар уйлагандек: эсноқ уйқу босиб келаётганидан даракчи эмас, балки толиқиш аломатидир. Эснаш орқали тана беихтиёр юзага келган чарчоқдан қутулишга ҳаракат қилади.

«Дарвоқе, подадан кетаётган бугу ёки оҳунинг эснай бошлаши унинг чарчаганлигини билдиради ва жониворлар ҳордиқ учун тўхташлари бежиз эмас», дея изоҳ беради тадқиқотчи. Лекин эсноқ ҳар доим чарчоқ ишораси эмас. Қушчаларнинг эсноги очликдан далолат берса, тимсоҳнинг эснаши тажовузкорлик белгисидир. Профессорнинг таъкидлашича, шундай қабилалар мавжудки, иккала томон тўқнашув олдидан зўр бериб эснашади — бу бир-бирини чўчитишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Эсноқнинг яна бир жиҳати юқумлилигидир. Шу боис ҳам бир киши эснай бошласа қолганлар ҳам унга қўшилишади. «Нима бўлганда ҳам эсноқ — кони фойдадир, — дейди профессор. — У чарчоқни ёзишга ёрдам беради, руҳан тетиклаштиради, ўпкани тозалайди. Самолёт қунаётганда эса қулоқ ичидаги босимни пасайтиришга хизмат этади».

ҒАЛАТИ ТАЖРИБА

Ҳар бир паррандачининг орзуси, иложи борича кўпроқ она товуқ очиришдир, албатта. Негаки, товуқ ҳар куни тухум тўғиб, эгасига фойда беради, еган донининг ўрнини тезда қоплайди.

Канадалик олим Бит Борт олиб борган тадқиқот эса бу борада жуда қул келди. Олимнинг ўзи бостиришга мўлжалланган уч кунлик товуқ тухумлари ичига она товуқнинг гармонини укол қилиб юборди. Натижада 82 та тухумдан ургочи жўжа, қолган 18 та тухумдан оралиқ жўжалар чиқди.

Шуниси ажабланарлики, жўжаларнинг ичида битта ҳам хўроз йўқ эди.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

ИНСОН КЎНГЛИНИ КЎТАРМОҚ САВОБ

Шаҳрисабз туманидаги «Ҳисор» жамоа хўжалиги ҳудудида «Оммағон» деган бир қишлоқ бор. Бу қишлоқни билганлар Авлоқул отани доно оқсоқол сифатида яхши танишади. Оммағонликларнинг не-не эзгу ишларида шу отахон ҳамиша бош-қош. Қишлоқнинг тўй-маъракалари ҳам у кишининг маслаҳатлари билан кўнгилдагидай ўтади.

Фоний дунёда инсонларга яхшилик тилаб, уларни яхши амалларга бошлашнинг ўзи эзгу саодат. Авлоқул ота ҳам ана шундай соҳир бахтдан бебаҳра эмас.

Умри бўйи меҳнат қилган отахоннинг айни навқирон ёшлиги 40-йилларга тўғри келди. Инсоният бошига мудҳиш кулфатлар солган иккинчи жаҳон уруши у кишининг ҳам қўлига қурол тутқазди. У 1942 йилдан то 1945 йилга қадар суронли жанг майдонларида душманга қарши курашиб, кўп бор жасорат кўрсатди. Тўрт йил давом этган аёвсиз урушда Берлин остонасига қадар курашган Авлоқул ота орден-нишонлар билан мукофотланди. Ташаккурномалар олди, анчайин имтиёзлар соҳиби бўлди.

Ота жангдан соғ-омон қайтди. Аммо қишлоқдаги уруш юзага чиқарган оғир шароит, оналар ва келинларни азобга солган айрилиқ, ҳануз оқими тинмаётган қорахатлар унинг қалбини ларзага солди — жароҳатлади. Авлоқул отадан бахт ва бахтсизлик ҳақида сўраганингизда, у киши жимирлаб турган қорачўғларини бир нуқтага қадаб, олис-олисларга тикилаётгандай хаёл суриб қолади. Шунда у ортда қолаётган умрининг ёруғ ва қоронғу кунларини хотирласа, ажабмас.

— Ўғлим, — дейди отахон оҳиста, — дунёда уруш кулфати — бахтсизлик, бевақт соврилиш — бахтсизлик, худо берган умрни фисқу фасад билан ўтказмоқ — бахтсизлик, бойликни ҳамма нарсадан устун қўйиш — бахтсизлик. Бу ҳаётда бахтсизликнинг тури кўп. Лекин ҳақиқий бахт — инсон дилидаги яраларга малҳам бўлиш, унинг кўнглини овлашдир.

Беш кунлик умрда ўзгаларга озор бермай, ёмонлик соғинмасдан, бадбахт ниятлардан сақланиб, ёрубиродарлар билан тинч-тотув ҳаёт кечирганга не етсин? Майли, ўқинглар, ўрганинглар, лекин ота-она олдидаги бурчингизни унутманг. Аслини олганда ҳозир ҳамма жойда айтилаётган маънавият деган сўз оддий халқ тилида «яхшилик», дегани. Мудом яхшилик қилинглар, бандасидан қайтмаса, худодан қайтади...

Одил ИБРОҲИМОВ.

Сахий ёз файзиёб, дилкушо тўшаларини ҳаёт гуллари болажонлар хизматига шайлади. Жиззахлик 7 минтга яқин ўқувчилар ҳам таътилларини оромгоҳлар қўйнида кўнгилли ўтказишади. Айниқса «Матлуботчи» ёшлар оромгоҳида ўқувчиларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароит яратилган. Фориш тоғ этакларида жойлашган сўлим масканда 450 нафар бола дам олади.

СУРАТЛАРДА: 1. Оромгоҳ бошлиғи О. Алимов ўқувчилар билан табиат сайрида. 2. Бош ошпаз Нуҳса Қурлова тайёрлаган таомлар лаззати бўлакча. 3. Ёшлар етакчилари Нилуфар Қурбонова ва Холниса Раҳмонқуловалар.

Р. СОДИҚЗОДА олган суратлар.

Оромгоҳ ҳаёти



ДЕҲҚОНДАН ЧИҚҚАН ЦИРК УСТАСИ

Газетамизнинг бугунги меҳмони цирк артисти— ҳайвонлар ургатувчи бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Жиззах вилояти Зомин туман Бешкуби қишлоғида вояга етган бу йигит эсини танигандан бери ота-онаси қабатида деҳқончилик қилди. Мактабни тугатгач қовун-тарвуз экиб яхшигина даромад олди. Аммо у болалигида жониворларга ўзгача меҳр билан қарар, хонадонларида боқилаётган қўй-қўзию, сигир бузоқларни парваришлашдан эринмасди. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатар, тилсиз бу жониворлар дунёси уни қизиқтириб қўйганди. Болалигидан цирк санъатига қизиқиб, киноларда, ойнаи жаҳонда кўрсатиладиган лавҳаларни мароқ билан томоша қилар, қайсар ҳайвонларни йўлга солган артистлар маҳоратига қойил қоларди.

Нима бўлдию бир ошнаси Тошкент давлат циркида йўлбарсларни ўйнатадиган Фурқат Юнусовга ҳамда каптарлар ўйнатувчиси Гули Маликовага ишчи-ассистент кераклигини айтиб қолди. Уч ака-ука Аҳмад, Акмал ва Акромлар циркка ишга кирдилар. Бироздан сўнг Аҳмад бошқа ишга—ошпазликка, Акром қишни давом эттиришга кетади. Акмал эса циркда қолиб ихлос билан ишлай бошлади. Ҳатто устозлари узоқ сафарга кетганларида саҳнага ҳам чиқиб, олқиш олди. Оқ узун жунли, шохлари қайрилган иккита эчки ва ниҳоятда нафис, катта шаҳло кўзли, аслида Австралия чўлларида истиқомат қиладиган ва ҳаттоки ҳайвонот боғларида ҳам кам учрайдиган «ламал» унга шундай урганиб қоллики, 20 баҳорни кўрган Акмал Абдуллаев катта-кичик томошаларда қатнаша бошлади.

Айланма манеж устида эчкилар ярқираб турган ҳалқалар ичидан сакраб ўтар, битта тумба устидан иккинчисига «парвоз этиб қўнар», ўйинлар сўнгида барабанни айлантириб устидан майдалаб ўўргаларди. Айниқса лама ўйинлари барчани ўзига жалб этарди. Оркестрнинг жўшқин ва ғайратли садолари остида лама олди оёқлари билан тов устидан ўта туриб, учта-тўртта жойда ўнг оёғини тиззаси билан уриб томошабинларга таъзим этиб, саломларини йўллайди. Давра ичида эса эгаси билан дам айланма, дам юқори қўйилган ярқираган тўсиқлардан енгилгина учиб ўтади. Охирида яна таъзим... Жониворлар кўрсатаётган томошаларда Акрамнинг маҳорати, ишчанлиги ўз аксини топган.

Тошкент коллежининг цирк бўлимига ўқишга кириб цирк санъатини гимнастика, акробатика, саҳна ҳаракати ва саҳнавий нутқ, тарих ва назариясини ўзлаштириш эса унинг ягона мақсади. Яна битта филни ўргатиб, шундай қизиқарли ва мураккаб ўйинларни кўрсатишни ҳам орзу қилади.

Шу кунларда ҳайвонлар ўйнатувчиси Акмал Абдуллаев янги ва жозибали цирк томошаси устида ишламоқда.

Тўлқин ОБИДОВ,
санъатшунослик доктори.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 29-ўрта мактаб томонидан 1993 йили Акрамхўжаева Ойдин Акмалхўжаевна номига берилган № 312122 рақамли аттестат йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

«Узмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси жамоаси Навоий вилояти «Навоий» деҳқончилик-саноат фирмасининг бош директори **Зойир НУРИДДИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0437, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.